

419

Ўттинч олтинчи йил чиқиши
Зулҳижжа 1442ҳ – июл 2021м



Ал-Ваъй

Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ливандаги инқироз ҳамда унинг асл ҳақиқати

Ал-Ваъй сўзи



Умнат ҳамда
Ислондаги
ҳаракатлантирувчи
куч

Умавий Халифа Умар
ибн Абдулазиз роҳима-
ҳуллоҳнинг сийратидан
намунa

Ёлғиз Халифаликкина динни
қоим қилиб, Умнатни бирлаш-
тиради, номуслар ва муқаддас
даргоҳларни ҳимоя қилиб,
зулм ва золимларни йўқ
қилади



419

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши
Зулҳижжа 1443х
Июл 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибу сонда

– **Ал-Ваъй сўзи:** Ливандаги инқироз ҳамда унинг асл ҳақиқати 3

– Америка Фарбни таназзулга етакламоқда... Бу – муслмонлар фойдаланиб қолиши керак бўлган имкониятдир (2)..... 9

– Ёлғиз Халифаликкина динни қоим қилиб, Умматни бирлаштиради, номуслар ва муқаддас даргоҳларни ҳимоя қилиб, зулм ва золимларни йўқ қилади 20

– Уммат ҳамда Исломдаги ҳаракатлантирувчи куч 32

– Муслмонлар Халифалик давлати қўлатилиши ортидан пешқадамликни йўқотдилар 38

– **Олам муслмонлари хабарлари**.... 43

– **Қуръони Карим суҳбатида** 48

– **Жаннат боғлари:** Муслмонларга юкланган шаръий аҳкомларда енгиллик бор (1) 54

– Умавий Халифа Умар ибн Абдулазиз роҳимахуллоҳнинг сийратидан намуна 58

– Тамим Дорий 65

– **Сўнгги сўз:** АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги Европа етакчилари ортидан жосуслик қилишда Даниядан қандай фойдаланган? 71

– Саудия намоз вақтларида савдо дўконларини очишга рухсат бермоқда.... 72



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ЛИВАНДАГИ ИНҚИРОЗ ҲАМДА УНИНГ АСЛ ҲАҚИҚАТИ

Ливан халқи бугун шундай бир инқирозни бошдан кечирмоқдаки, сохта мустақилликдан кейинги янги тарихида бунга ўхшаган инқирозни бошдан кечирмаган эди. Ушбу инқирозга ким сабабчи? Ўз халқи ҳисобига Ливаннинг барча бойликларини ютиб юбораётган анави ҳукмдорларми? Ёки юрт бошқарувининг асоси бўлган ва тоифалар ўртасидаги ўзаро келишувга асосланган демократик низомми? Ёки бу инқирозни Ливандаги ички ва ташқи сиёсий ҳаётни бошқараётган мустамлакачи капиталистик Ғарбнинг яширин аралашуви келтириб чиқардимми? Ёки ушбу уч омил биргаликда инқирозга сабаб бўлдимми? Агар шундай бўладиган бўлса, инқирознинг келиб чиқишида ушбу омиллардан қайси бирининг таъсири кучлироқ?

Инқирознинг ҳақиқий сабабини, бинобарин, унинг ечимини билиш учун минтақа давлатларининг қандай ва ким томонидан бошқарилаётганини билиб олиш лозим. Ливан минтақанинг бир қисмидир ва ундан фарқ қилмайди. Чунки минтақа ҳар томондан, яъни, ақидавий, сиёсий, ижтимоий ва ҳатто иқтисодий жиҳатдан битта минтақадир.

Ливан ҳам Сурия, Ироқ, Иордания ва Фаластин каби бошқа давлатлар қатори, Усманий Халифалик жисмидан ажратиб ташланганидан кейин ташкил топди. Дарҳақиқат, Усманий Халифалик Исломий давлатнинг ва Ислом Умматининг доимий душманлари бўлган француз ва инглизлар қўлида мағлубиятга учраши ортидан бу юртлар ҳам Халифаликдан ажратиб ташланди. Бундан олдин давлатнинг таркибий элементларига ҳамда жамият ҳаёти учун керакли барча имкониятларга эга бўлган давлатнинг бир қисми эди. Ажратиб олинганидан кейин эса, ўзига ўхшаган бошқа сохта давлатчалар сингари суверенитетдан маҳрум, имкониятлари йўқ давлатчага айлантирилди. Мамлакатни мустамлака қилган Франция Ливан учун илмоний конституцияни ва тоифачиликка асосланган низомни белгилади. Ҳокимият тепасига эса, Франция сиёсатини амалга оширадиган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳамда унга рақобатчи бўлган бошқа мустамлакачи давлатларга қарши курашда қурол ўрнида ишлатиладиган ўзининг малайларини ўрнатди. Ливан ҳукмдорлари

ҳам Яқин Шарқдаги сўнги юз йил ичида Умнатнинг елкасига ўтириб, унга азоб-уқубатлар олиб келган ҳукмдорларга ўхшайди. Бугунги кунда уларнинг малайлиги ва ёвузлиги ҳақида ҳеч ким ихтилофлашмайди. Одамлар ўртасида ихтилофли бўлган нарса уларнинг кимга малай эканлигидир. Яъни улар Америкага малайми ёки Франциягами ва ёки Британияга?...

Бу воқеликни ўрганиш асносида Фарб томонидан минтақанинг мустамлака қилиниши билан доим ҳамқадам бўлган иккита ҳақиқатга юзма-юз келамиз. Биринчи: Муслмон юртлар, шу жумладан Ливан, манфаатлар устида ўзаро рақобатлашаётган капиталистик Фарб давлатлари томонидан мустамлака қилинган ва уларнинг нуфузи остидадир. Иккинчи: Бу юртларни мустамлакачи давлатлар элчихоналари парда ортидан бошқаради, ўз давлатлари томонидан белгиланган сиёсат доирасида ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракати ва қарорларини назорат қилиб туради. Демак, бу юртларда буюриб қайтарадиган, ўз давлатининг сиёсати амалга ошишини назорат қиладиган томон элчихоналардир. Уларнинг сиёсатини, шунингдек, кризисларини ҳам шу элчихоналар бошқаради...

Агар Ливан бошдан кечираётган инқирозга қайтадиган бўлсак, унинг ҳукмдорлари ўзининг покизалигини даъво қиладиган фоҳиша аёлдан ҳам ёмонроқ ҳукмдорга айланганини кўрамиз. Гарчи манфаат ортидан қувиш бу ҳукмдорларнинг халқ олдидаги обрўсига путур етказса ҳам, улар бундан тийилишмайди. Зеро, юрт бойлигини ўғирлаб, халқи ҳисобидан бойиганлар шу ҳукмдорлардир. Юрт оғир қарз инқирозига учраган бир пайтда, уларнинг нақд пуллари чет эл офшор банкларида сақланаётганини кўрамиз. Биз кўряпмизки, улар одамларнинг кескин норозиликларига қарамай, ҳалигача ҳокимиятда қолишни ҳамда ўзларига ўхшаган рақобатчилари устидан ғолиб келиб лавозимларини сақлаб қолишни режалаштиришган. Уларнинг ёмонликлари ҳақида ҳар қанча гапирилса ҳам оз...

Бу ҳукмдорларнинг барча ишларини Фарб давлатлари назорат қилади. Агар улар ўз хўжайинларининг манфаатларига зид ҳаракат қилишадиган бўлса, хўжайинлари уларга ҳар қандай ишни тақиқлашлари ҳамда юқорида айтиб ўтганимиздек, элчихоналари орқали уларни ўз манфаатларига мос позицияни эгаллашга мажбур қилишлари мумкин. Ливанда АҚШ элчихоналари ва унинг сиёсати ҳукмронлик қилади. У ердаги ишлар АҚШ назорати остида ва унинг бошчилигида ҳамда унинг бутун минтақа, шу жумладан, Ливан учун белгилаб берган режасига мувофиқ юз беради. Шунинг учун айтаемизки, Ливанда юз бераётган ишлар Американинг нафақат Ливанга, балки, бутун минтақага алоқадор бўлган ва минтақани

янгитдан бўлиб ташлашга қаратилган режаларининг бир қисмидир. Албатта бу ишлар Исломни куч билан ҳокимиятдан узоқлаштирадиган, дунёвий конституцияни жорий қилиб, ҳокимиятни фуқаролик жамиятларидан ташкил топган янги малайларга топширадиган, муслмонларни исломий ҳаётни қайта бошлашни талаб қилишларига йўл бермай, Халифалик давлатини барпо этиш учун ҳаракат қилаётган исломий сиёсий ҳаракат ва ҳизбларга қарши курашадиган ҳамда минтақанинг бойлик ва имкониятларига чанг солинишига имкон берадиган меъёрлар асосида амалга оширилади. Шунинг учун, Ливанда қандай воқеа юз берса, бундай воқеалар Сурия, Ироқ, Ливия ва Яманда ҳам юз беради... Америка бутун минтақада ўзининг режаси амалга ошишига ишонч ҳосил қилмагунигача, унинг Ливан келажаги учун белгилаган режаси пишиб етилмайди.

Ливан инқирозидаги асл ҳақиқат мана шу. Ливан масаласида сўз юритувчилар бу ҳақиқатдан кўз юмишмоқда ёки кўрқувдан четлаб ўтишмоқда... У кўринмаётгани сабабли, оддий одамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва чалғитувчи сиёсатчилар Американинг нуфузини бутунлай йўқ қилиш ўрнига уни мустаҳкамлайдиган позицияни эгаллашмоқда.

– Ливан инқирозидаги асл ҳақиқат мана шу. У кўринмаётгани учун Ливан расмийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсий муфаккирлар инқирозни ҳал қилиш учун Американинг аралашини умид қиладиган бўлиб қолишган. Бу билан улар Авн, Ҳаририй ёки бошқаларга босим ўтказишмоқда... Инқироз сабабчиси айни шу Америка бўлса-да, улар АҚШни бундан йироқ деб ўйлаб, ундан ёрдам талаб қилишмоқда. Аслида, инқирознинг сабабчиси Америкадир. Улар Жаҳон Банкнинг Ливанга қарз беришига рухсат бериши учун Америкага хорларча ялиниб, илтимос қилар эканлар, ундан нажот сўрашяпти. Маълумки, бундай нажот сўраш хиёнатнинг чўққиси ҳамда Ливанни қарз ботқоғига ботириш ҳисобланади. Ливан бу ботқоқдан фақат ҳолдан тойган абгор аҳволда чиқиши мумкин, холос. Жаҳон Банкни ва унинг ортидаги мустамлакачилик сиёсатини орамизда билмайдиган борми?! Ҳаммамиз яхши биламиз. Американинг бошқа давлатларни мустамлака қилишдаги энг муҳим қуролларидан бири мана шу Жаҳон Банкдир.

– Оддий одамлар ва сиёсий таҳлилчилар Ливан инқирози ва унинг мураккаб тус олиши ортида юрт етакчилари турибди деб ўйлашади. Аслида эса, Ҳаририй, Авн, Берри, Ливан кучлари, Жанболот ва булардан бошқа маҳаллий сиёсий томонлар, шунингдек, Эрон, Саудия, Туркия, Қатар ёки Ироқ каби регионал томонлар Ливанда юз бераётган ишларга Американинг розилигисиз

таъсир ўтказа олишмайди... Чунки минтақадаги халқаро сиёсат, хусусан, АҚШ сиёсатида улар «пиёда»дан бошқа нарса эмас. Шунинг учун, агар Ҳаририй вазирлар маҳкамасини туза олмаган бўлса, демак, Америка буни истамагани учун туза олмаган бўлади. Агар Авнинг Ҳаририйни ҳукумат туза олмагани учун кечирим сўратишига рухсат берган бўлса, бу Американинг сиёсати ва манфаатига мос келгани учун бўлади. Агар Нажиб Миқотий ёки ундан бошқасининг етакчилигидаги ҳукумат тузилса ёки тузилмаса... Буларнинг барчасини Америка ўз режасига мувофиқ бошқарган бўлади. Агар «Ҳизбуллоҳ» Ливандаги сиёсий ўйин ипларини ўз қўлига олса ва қуроли билан қўрқитиб унинг бутун бўғинларини назорат қилса, бу унинг сиёсати Эронга боғлиқ бўлгани учун бўлади. Ҳолбуки, Эрон минтақадаги Америка сиёсати ва нуфузига бўйсунган давлатлардан биридир. Бошқача айтганда, Ливанда юз бераётган воқеалар Американинг режасига мувофиқ юз беради ва у ерда деярли халқаро кураш мавжуд эмас.

– Ливан инқирозидаги асл ҳақиқат кўринмаётгани сабабли, оддий одамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, сиёсий таҳлилчилар ва маълум фикрга эга бўлган кишилар бу масалада чалғитувчи позицияни эгаллашмоқда. Фуқаролик жамияти ташкилотларига нисбатан эгалланган позиция ҳамда уларни бошқарувнинг янги яроқли қуроли бўлади ва нажот улар орқали келади, деб ҳисоблаш мана шундай позициялар жумласидандир. Айни пайтда фуқаролик жамияти ташкилотлари бутун минтақа, шу жумладан Ливан учун Фарбнинг янги мустамлакачилик сиёсатининг марказига айланди. Демак, фуқаролик жамияти ташкилотлари минтақани бошқариш ва Ислонни ҳокимиятдан четлатишнинг янги қуролларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳатто бу мавзуда Франция элчихонаси Америка элчихонаси билан рақобатлашмоқда. Биз элчилар ва халқаро делегатларнинг фуқаролик жамияти ташкилотлари вакиллари билан учрашаётганини кўриб турибмиз... Нега, чунки улар яқинда ҳукмдорлар қаторидан ўрин олишади ҳамда ўзгаришни бошловчи етакчиларга айланишади. Шунинг учун анъанавий сиёсатчилар фуқаролик жамияти ташкилотлари вакилларини «элчихонанинг болалари», деб атай бошлади.

– Ливан инқирозини Америка келтириб чиқарган ва бу инқирозни у назорат қилади. Бунинг белгилари қуйидагилардир:

– Ливандаги молиявий инқироз ортида Ливан марказий банки эргашаётган молиявий сиёсат туради. Марказий Банк бошқарувчиси Риёз Салома Америка наздида қизил чизиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳеч бир сиёсатчининг уни лавозимидан четлатишига йўл бермайди. Маълумки, Марказий Банк эргашган

молиявий сиёсат Ливанни жар ёқасига олиб келди ва бу сиёсат Америкага хизмат қилди.

– Ливандаги вазиятни ва унинг инқирозини Америка назорат қилишини кўрсатадиган нарса шуки, у армия қўмондонини қабул қилди ва кейин унинг Мишел Авндан кейин президентликка номзод эканлиги маълум бўлди. Америка армияни қурол-яроғ билан ва молиявий томондан қўллаб-қувватлайди. Армияни молиявий томондан қўллаб-қувватлаш унинг маиший инқирозини ҳал этишга қаратилган.

– Саудия, Амирликлар ва Қатар каби Кўрфаз давлатлари томонидан Ливанга молиявий ёрдам кўрсатилишига йўл бермайди. Улар молиявий инқирозни қисман юмшатиш учун ҳам ёрдам кўрсатишолмайди. Шундай қилиб, Америка Ливанни дори-дармон, озиқ-овқат ва нефт етказиб берилишида ёрдамсиз ташлаб қўйди. Ҳатто унинг нафас ростлашига ҳам йўл қўймаслик учун пул чайқовчиларининг Ливан валютасида ўйин қилишларига рухсат берди.

– Америка Ливан қирғоқларига туташ конлардан нефт қазиб олинишига тўсқинлик қилади. Бу конлар Ливан инқирозини бир неча ой ёки йилларда ҳал этиш учун етарли бўлган катта ва истиқболли нефт захираларига эга...

– Ливандаги молиявий, иқтисодий ва маиший инқирознинг фожиавий тус олганлиги минтақада (Исроил) билан муносабатларнинг нормаллаштирилиши жорий қилинганидан кейин, Ливаннинг ролини заифлаштириб, (Исроил)нинг ролини кучайтиришда ҳам намоён бўлади. Бу эса, портлар, банклар ва туризм каби (Исроил) билан рақобатлашадиган муҳим ҳаётий тармоқларни вайрон этишни тақозо этади...

Хулоса қилиб айтамизки, минтақа давлатлари, шу жумладан Ливан, ҳозирда амалга оширилаётган Америка режасига бўйсунди. Америка минтақадаги ҳар бир давлатда тоифачилик, ирқчилик ва мазҳабпарастликка асосланган бошқарув тизимини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Шунда у «миллий озчиликлар»ни ҳимоя қилиш баҳонасида уларнинг ишларига аралashiш ва келишмовчиликларни келтириб чиқариш имконига эга бўлади. Айни пайтда у Фаластин масаласини ҳал этиб, (Исроил)ни мажбуран тан олдиришга ва уни минтақа давлатлари қаторига киритишга ҳаракат қилмоқда.

Франция элчихонасининг фаолиятлари ва француз расмийларининг ташрифларига келсак, у Ливан сиёсатида ўз ўрнини эгаллашга уринмоқда. Афтидан, у бир пайтлар йўқотган буюклигини қайта тиклашга уринмоқда. Кўриниб турибдики, Америка унинг бундай қадамларини кузатиб бормоқда ва унга

болта уришга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун Франция давлати президенти, ташқи ишлар вазири ва делегатларининг ташрифлари ҳеч қандай фойда бермади. Америка ўз манфаатларини шубҳа остига қўймасдан, минтақадаги режасини амалга ошириш йўлида жимгина кетмоқда...

Бу мустамлакачиликнинг фожиали тарихидир. Унинг саҳифалари нафақат Ливанда, балки, бутун мусулмон юртлар, қолаверса, бутун дунёдаги мустамлака мамлакатларда ҳам тугамайди. Биз айтмоқчи бўлган нарса шуки, Америка ҳар қанча уринмасин, минтақадаги муаммоларни ҳал қила олмайди. Зеро, у юз йил давомида бу юртларни мустамлака қилиб, халқлар миясини ювиб келди, уларни адаштириб, майл-истакларини бузди, қашшоқлаштирди, масалалари устида ўйин қилиб, юртларини парчалади... Бироқ, ҳеч нарсага эришолмади... Американинг бугунги ҳолатига қараган киши кўрадики, у бу минтақани яна юз йил мустамлака қилишга уринмоқда. Бироқ, Америка муаммоларга тўла бўлиб, бу муаммолар унинг тугашини яқинлаштиради ва у ўйинларини узоқ давом эттира олмайди. Ғарб ҳазоратига қараган киши, унинг банкротга учраганини кўради. У ўзининг ўлими ҳақидаги хабарни кутмоқда. Ғарб халқларига қараган киши уларда жамиятнинг қариши муаммоси борлигини кўради. Демак, улар ўз ҳазоратларини ёйиш йўлида фидокорлик қилиш у ёқда турсин, ҳатто уни ҳимоя қилишга ҳам тайёр эмас... Исломга, унинг ҳаётий кучига, мусулмонлар имонига ва уларнинг Исломга куч билан қайтаётганларига қараган киши Росулulloҳ ﷺ нинг пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифалик барпо бўлиши ҳақидаги башоратларининг рўёбга чиқиши узоқ эмаслигини тушунади. □

АМЕРИКА ҒАРБНИ ТАНАЗЗУЛГА ЕТАКЛАМОҚДА БУ – МУСУЛМОНЛАР ФОЙДАЛАНИБ ҚОЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ИМКОНИЯТДИР (2)

Абдулмажид Баҳатий

Ўтган йиллар давомида кўпчилик Ғарбнинг таназзулга учраши ҳақида ёзишди. Аммо бу мавзу жиддий қабул қилинмади. Баъзи ҳолатларда Роберт Каганга ўхшаган таниқли Ғарб олимлари тарафидан бу инкор қилинди. Роберт Каган ўзининг «Америка яратган дунё» номли китобида буни рад этди. Бироқ, ҳозирги Ковид-19 инқирози ушбу баҳсни кўзғаш учун янги туртки бўлди. Чунки коронавирус Ғарб ҳазоратининг қалбини жароҳатлаб, Ғарб жамиятлари ҳамда у бошқараётган халқаро тизимдаги чуқур таркибий нуқсонларни фош этди ҳамда Ғарбнинг дунё устидан ҳукмронлик қилишига таҳдид солди. Таниқли журналист Саймон Тисдалл Обсервер газетасида Ковид-19 инқирозига доир қуйидаги саволни ўртага ташлайди: «Бу сиёсий ва иқтисодий кучлар мувозанати кескин ўзгарган бир пайтда дунё доимо ўзгариб турадиган тарихий бурилишлардан бири эмасми?».

Иқтисодий инқироз қаршисида

Америка иқтисодиётининг кўрсаткичлари сиёсий тизими кўрсаткичларидан яхшироқ бўлди. Америка иқтисодиёти ялпи ички маҳсулот бўйича дунёда энг катта иқтисод ҳисобланади. Унинг ялпи ички маҳсулоти 21,4 триллион долларга етади. Дунё иқтисодининг энг катта, 25 %⁽²⁴⁾ улуши Америкага тегишли. АҚШ доллари дунёда ҳеч бир эътирозсиз тан олинган валюта захираси ҳисобланади ва бошқа валюталардан кўра кўпроқ муомалада кенг қўлланилади. Америка компаниялари 20та энг яхши компания⁽²⁵⁾ рўйхатида устунлик қилади. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотига аъзо давлатлар орасида америкалик жисмоний шахснинг даромади энг юқоридир⁽²⁶⁾. Мана шундай иқтисодий устунликка қарамай, йиллар ўтиб Американинг иқтисодий қудрати пасайиб кетди.

1960 йилда Американинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 40 %га етди. Ўтган йиллар мобайнида кўпроқ юртлар глобал иқтисодий мавқени эгаллашга интилар экан, Америка иқтисодиёти бунинг деярли ярмига тушиб кетди⁽²⁷⁾. Бироқ, инфляциянинг умумлашган таъсири натижасида долларнинг харид қуввати сезиларли даражада пасайиб кетишига қарамай, доллар тизими туфайли Америка иқтисодиёти ҳамон кучли бўлиб қолмоқда. Меҳнат статистикаси бюросининг маълумотларига кўра, 1960 йилда бир долларнинг харид қуввати тахминан бугунги 9,18 долларга тенг бўлган. Яъни, доллар харид қувватининг пасайиши 61 йил

давомида 8,18 долларни ташкил этган. Меҳнат статистикаси бюроси маълумотларига кўра, бугунги нархлар 1960 йилдаги ўртача нархлардан 884 % юқоридир⁽²⁸⁾. Байденнинг 1,9 триллион долларлик иқтисодни рағбатлантириш режаси ишга туширилиши билан доллар харид қийматининг яна пастлаши кутилмоқда. Fortune журнали эълон қилган дунёдаги энг бой 500та компания рўйхати Америка компанияларининг жаҳон саҳнасида устунликка эга эмаслигини кўрсатди. 2020 йилги рейтингда ушбу рўйхатдаги беш юз ўрндан 133таси Хитойга, 121таси Америкага ва 50таси Япония компанияларига бўлинган. 2020 йилда иккита Америка компанияси ўнталик рўйхатдан жой олди⁽²⁹⁾.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бойликларнинг санокли америкалик оилалар қўлида тўпланиши Америкадаги оилалар даромади ҳақидаги кўрсаткичларнинг ишончлик экани борасида шубҳаларни пайдо қилмоқда. Америкада оилаларнинг ўртача даромади биринчи марта 63 минг доллардан ошган⁽³⁰⁾. Айти пайтда, Америкадаги энг бой одамларнинг 1 фоизи ишлайдиган америкаликлар ҳисобига 50 триллион долларга бойиган⁽³¹⁾. Агар бундай тенденциялар, айниқса, америкалик капиталистлар томонидан бойликларни эгаллаб олиш давом этса, Америка иқтисодий қудрати энди унчалик ишончли ва самарали бўлмай қолади. Ибн Халдун айтганидек, бундай ҳолат маҳаллий тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Катта армияни сақлаб қолиш харажатларининг ортиши

Америка 70та юрт ва ҳудудда 800та ҳарбий базага эга. Унинг йиллик ҳарбий харажатлари 734 миллиард долларни ташкил этади. Яъни, унинг ҳарбий харажатлари энг яқин рақиби ҳисобланган Хитойнинг ҳарбий харажатларидан уч баробарга кўп. Шундай бўлса-да, Американинг ҳарбий қудрати пасайиб бормоқда^(32,33). 2010 йилда Пентагон ўзининг ҳарбий доктринасига зид равишда, ҳарбий операциялари икки хил йўналишда бўлган иккита урушга бир вақтда киришни расман рад этди. 2010 йилдаги тўрт йиллик мудофаа ҳисоботида «куч таркибини белгилашда икки фронтда уруш олиб боришга асосий омил сифатида қаралмайди»ган бўлди⁽³⁴⁾. Шунингдек, АҚШнинг бошқа давлатлардан ўнлаб йиллар давом этган ҳарбий устунлиги, шунингдек, душманларни жиловлаш ва мағлуб этиш қобилияти камайди. 2018 йилда АҚШ мудофаа стратегияси бўйича икки партиядан ташкил топган мустақил қўмита «АҚШнинг узоқ муддатли ҳарбий устунликлари камайганини» таъкидлади. Қўмитага кўра, Американинг душманни жиловлаш – агар керак бўлса – мағлуб этиш ҳамда глобал мажбуриятларни бажариш қобилиятига шубҳа бор⁽³⁵⁾.

Бу ерда, Американинг янги ҳарбий хизматчиларни жалб қилишида гавдаланадиган қўшимча қийинчилик ҳам бор. Чунки

ёшлар орасида АҚШ армиясида хизмат қилишга қизиқиш энг паст даражага тушиб кетди. Вазият шу қадар ёмонлашдики, АҚШ қуруқлик кучлари ва денгиз пиёда кучлари корпусини хизматчилар билан қўллаб-қувватлаш ҳам қийин бўлиб қолди. АҚШ қуруқлик кучлари ва денгиз пиёда кучлари корпуси ёшларни жалб қилиш учун ойлик-маошларни оширишга ва ғайриоддий бонус схемаларини жорий қилишга мажбур бўлди⁽³⁶⁾. Ҳеч шубҳа йўқки, Американинг Ироқ ва Афғонистондаги ёмон ҳарбий ҳаракатлари АҚШ ҳарбий қудрати тушиб кетишига олиб келди. Агар ушбу омиллар шундай давом этадиган бўлса, (Россия ва Хитой сингари) кичик бўлмаган юртлар билан урушга кириш АҚШ ҳарбий кучлари учун оғир синов бўлади. Бу эса, унинг бундай урушларда ғалаба қозонишини шубҳа остига қўяди. Бироқ, Кеннеди таъкидлаганидек, энг катта таҳдид Америкадан ташқарида ҳарбий амалиётларни давом эттиришнинг сиёсий оқибатлари ва иқтисодий харажатларидан келиб чиқади. Ичкаридаги сиёсий парокандалик ҳамда иқтисодий таъсирнинг пасайиб кетиши ташқаридаги АҚШ ҳарбий мажбуриятларининг заифлашишига олиб келиши кутилади.

Американинг муваффақиятсизликка учраши баъзи буюк кучларнинг пайдо бўлишига туртки берди ва бошқаларнинг кўтарилишига сабаб бўлди

Кўриниб турибдики, Америка ўзининг вайрон бўлган сиёсий тизими туфайли иқтисодий ва ҳарбий қудратининг кескин пасайишига дуч келмоқда. Бу, шунингдек, асосий масалаларда Европани ишонтириш ҳамда Россия ва Хитой каби давлатларни қўрқитиш қобилиятига ҳам таъсир қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин трансатлантик муносабатлар АҚШ сиёсий тизимининг асоси бўлиб келган эди. Европа кўплаб масалаларда Американинг позициясини бажонидил қўллаб-қувватлади. Бироқ, Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг, трансатлантик ҳамкорлар ўртасида Европанинг кенгайиши, НАТОнинг янги миссияси, халқаро масалаларда Американинг бир томонлама кучайиши, глобал жанубга (Осиё, Африка ва Лотин Америкасига) нисбатан сиёсат ва булардан бошқа масалаларда келишмовчиликлар пайдо бўлди. Бундан ташқари, Ироқ ва Афғонистондаги уруш европаликларнинг Америкага нисбатан умидсизлигини янада кучайтирди. 2003 йилда қароргоҳи Парижда жойлашган Халқаро муносабатлар институти директорининг ўринбосари Доминик Муази: «Биз Ғарбнинг икки хил кўриниши, яъни турли ҳиссиётларга ва ҳар-хил туйғуларга эга бўлган Америкага хос кўриниш ва Европага хос кўриниш пайдо бўлганига гувоҳ бўлмоқдамиз», дея билдирди⁽³⁷⁾. Глобал молиявий инқирозлар еврозона инқирозини, Грециядаги қарзлар инқирозини, валюта урушини ҳамда пул-кредит соҳасини рағбатлантириш

ўрнига тежамкорлик сиёсатини жорий қилишга доир тортишувларни келтириб чиқарди. Бу эса, икки томон ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашишига олиб келди. Шунингдек, араб баҳори ҳамда суриялик қочқинлар кризиси трансатлантик муносабатлардаги ишончнинг емирилишини келтириб чиқарди.

Трамп ҳокимиятга келиши биланоқ, муносабатлар тарихдаги энг паст даражага тушиб кетди. Трампнинг Европадан НАТО молиявий юкидаги улушини кўпайтиришни талаб қилиши ҳамда ташкилотнинг 5 моддасига риоя қилмаслиги иттифоқчиларнинг кескин танқидларига сабаб бўлди. Меркел Трампнинг Европани ҳимоя қилишга доир Америка мажбуриятини тасдиқлашдан бош тортгани ҳақида гапирар экан, шундай деди: «Биз бошқаларга бутунлай таянишимиз мумкин бўлган имкониятлар тугаб бормоқда... Биз европаликлар ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олишимиз керак»⁽³⁸⁾. Трамп ўзининг Европага қарши риторикасини (дабдабали гап-сўзларини) ҳеч иккиланмасдан давом эттирди. Британиянинг Европа иттифоқидан чиқишини ва иттифоқнинг парчаланишини ошкора қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Макроннинг «Европага ўзини Америкадан ҳимоя қилиш учун армия керак», деган таклифини танқид қилди ва савдо уруши пилигига ўт ёқди⁽³⁹⁾. Бунга жавобан Европа АҚШни эътиборсиз қолдирди ва Хитой билан савдо келишувини имзолади. Ҳолбуки, Европа Трампнинг Оқ уйни тарк этиш арафасида турганини яхши билар эди. Кескин бузилган трансатлантик муносабатлар ҳамкорликни ўта муаммоли қилиб қўйди. Далио таъкидлаган нуқта мана шудир. Макрон Байден ва Меркел билан бўлган биринчи онлайн учрашувда «Француз-немис иттифоқи Европа мустақиллигини ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишини» айтиб ўтди. Учрашувда Макрон АҚШдан мустақил бўлишни «стратегик мустақиллик» деб атади. Меркел Хитой билан эришилган савдо келишувини ҳимоя қилар экан, «Бизнинг манфаатларимиз ҳар доим ҳам мос келавермайди» – деди. Европа қитъаси билан Америка ўртасидаги муносабатлар тез орада яхшиланади деган оптимистик кўз-қараш заифдир.

Американинг Россия билан муносабатлари ҳам, совуқ урушнинг илк давридан буён биз гувоҳ бўлмаган паст даражага тушиб кетди. Россия йиллар давомида бир қанча тўсиқларга ва кучдаги тенгсизликка дуч келган бўлса-да, бироқ, бу уни Америка ҳукмронлигига қарши чиқишдан ҳамда Американинг Кавказ, Украина ва Ўрта Осиёдаги нуфузини ортга қайтаришдан тийиб қўймади. 2008 йилда Россия Грузияга бостириб кириб, жанубий Осетияни босиб олди. 2014 йилда Қрим ярим оролини аннексия қилди. Украинанинг шарқий қисмида ўз таъсир доирасини яратиш учун у ерга уруш очди. Гарчи у Фарбнинг шафқатсиз санкцияларига дуч келган бўлса-

да, у буни амалга оширишга эришди. Ўрта Осиёда Россия Американинг Ўзбекистон ва Қирғизистондаги нуфузини қисқартиришга эришди. АҚШнинг собиқ мудофаа вазири Роберт Гейтс Уол Стрит Журнал газетасида янги Россиянинг юксалиши ҳақида ёзар экан, шундай деди: «Биз Россиянинг ҳамкор бўлишини истаймиз. Бироқ, аниқ кўриниб турибдики, бунга эришиш Қрим ярим оролида, ҳатто, Украинада кураш олиб бораётган жаноб Путиннинг бошчилиги остида ҳозир мумкин эмас. Зеро, Путин ўзининг бу ишлари билан совуқ урушдан кейинги бутун бир тизимни курашга чорламоқда»⁽⁴¹⁾. Россия қаттиқ қиш ойларида Европага газ етказиб беришни тўхтатиб қўйиш, чет элларда сурбетларча суиқасдлар уюштириш ҳамда Европа ва Америка сайловларига аралашиб орқали Ғарбни безовта қилмоқда. Россиянинг Сурия можаросида АҚШ сиёсатчиларига ривожланган кибер қуроллари ва ҳарбий техникаларини намойиш қилиши, унда маълум ҳудудларда АҚШ гегемонлигини курашга чорлашга мойиллик борлигини кўрсатди.

Америка бунга қандай йўл қўйди? – деган савол туғилади. Айтиш мумкинки, Америка тўқсонинчи йилларда ўзининг иқтисодий ва ҳарбий қудрати чўққисида эди. Россия иқтисодий ва сиёсий инқироздан азият чекаётган бир пайтда, Америка дунёдаги ягона буюк куч сифатида глобал устунликка эга эди. Жаҳон Банки кредитлари туфайли ҳолдан тойган Россия Европа Иттифоқи ва НАТОнинг собиқ Шарқий Европага кенгайишини тўхтата олмади. Шунингдек, Кремль Американинг Болқондаги Россия нуфузини сиқиб чиқаришига монъелик қила олмади. 2000 йилда Баренцево денгизида Курск (К-141) сув ости кемаси ҳалокатга учради ва Кремль экипажни қутқара олмади. Буларнинг умумлашган натижасида Россия буюклик мақомини йўқотди⁽⁴²⁾. Бироқ, йигирма йил ичида, Россия – ўз аҳолисининг қариши ва иқтисодининг заифлигига қарамай – ўзини қайта кучайтиришга ва Америкага қарши чиқишга эришди. Россия ҳарбий қудратининг юксалиши, Қўшма Штатларнинг Ироқ ва Афғонистондаги фожиали урушлар билан банд бўлиши, шунингдек, жаҳон молиявий инқирози Америкага дунёнинг маълум ҳудудларида Россия агрессиясига қарши туришга имкон бермади. Тўғри, Россия Американинг глобал етакчилигига қарши чиқа олмаса-да, бироқ, унинг режаларини бузишга ҳамда Евроосиё устидан мутлақ ҳукмронлик қилишини олдини олишга қодир эди.

Қўшма Штатларнинг Осиё ва Тинч Океани ҳудудида Хитойнинг юксалишини жиловлашга уриниши ҳам савол остида. Тўқсонинчи йиллар ўрталаридан бошлаб Вашингтон Хитойни ўзининг энг асосий душмани деб билади. Американинг кетма-кет келган ҳукуматлари бир қатор чораларни кўриш орқали Хитойни ўз ҳудуди ичкарасида ушлаб қолишга уринди. Қўшма Штатлар Хитойни

Шимолий Корея ичкараси ва ташқарисидаги узоқ муддатли ядровий музокараларга жалб қилди. Бир вақтнинг ўзиде, бу масаланинг доимий ҳал қилинишига йўл қўймаслик учун буни атайлаб қилди. Америка Хитой раҳбариятини обрўсизлантириш ҳамда уни ичкари билан банд қилиб қўйиш учун унинг Тибет ва Шарқий Туркистонда инсон ҳуқуқларини бузаётганидан, Фалуньгун диний жамоасига бўлган муомаласидан фойдаланди. Америка Ҳиндистонни Хитойнинг Ғарбга кенгайишига қарши ўтиб бўлмайдиган қалъага айлантирди. Вашингтон Хитой денгиз кучларининг кенгайишига йўл қўймаслик учун Ҳиндистонни ҳарбий ва ядровий салоҳиятини ислоҳ қилишга ундаш орқали, икки юрт ўртасидаги бўлажак урушга замин тайёрлади.

Қўшма Штатлар сўнгги ўн йил ичида Ҳиндистонни хавфсизлик масаласи бўйича Тўртлик Диалог (QSD)га қўшди. Америка, Ҳиндистон ва Япония «оролларнинг биринчи ва иккинчи қисмидан ташқарига чиқмаслик» тўғрисида Пекинга кучли нома йўллаш учун бир қатор денгиз машғулотларини ўтказишди. Бундан мақсад, Хитойнинг денгиз гегемонлигини ўрнатишига йўл қўймаслик эди. Вашингтон, шунингдек, Вьетнам, Флиппин ва Японияни Хитойни шарқий ва жанубий Хитой денгизидеги бефойда регионал можароларга тортишга ундади. Бироқ, Американинг Хитойга таъсир ўтказишдаги асосий таянчи Тайвандир. Америка стратеглари бу оролни «чўкмас авианосец», деб билишади. Материкни қўшиб олиш уринишларига барҳам бериш учун Қўшма Штатлар бу оролни ҳарбий техникалар билан мустаҳкамлаган. Бошқа томондан, Хитой Тайванни ўзининг ажралмас бир қисми деб ҳисоблайди ва агар орол Америка таъсири доирасида бўладиган бўлса, унинг хорлик манбаси бўлишини билади.

Американинг Хитойни жиловлашга қаратилган жиддий режаларига қарамай, Пекин мамлакатни регионал ҳукмронлик сари тез йўналтиришга муваффақ бўлди. У 2010 йилда дунёдаги иккинчи йирик иқтисодиётга айланиб, Японияни ортда қолдирди ва ҳозирда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 17 %га эгалик қилиб, Қўшма Штатлардан кейинги иккинчи ўринни эгаллади.^(43,44) Ўттиз йил ичида Хитой иқтисодиёти АҚШнинг номинал ялпи ички маҳсулотига нисбатан фоиз ҳисобида, 1990 йилдаги 6 %дан 2019 йилдаги 67 %га ўсди. Глобал ҳукмронлик учун Қўшма Штатлар билан жиддий рақобатлашган Совет Иттифоқининг ялпи ички маҳсулоти ўзининг энг юқори чўққисиде фақат 50 %га ўсган эди.

Мумтоз иқтисодий ўсиш билан бир қаторда Хитойнинг технологик маҳорати айниқса, бешинчи авлод ва сунъий интеллект соҳасида сезиларли даражада ошди. Alphabet компанияси президенти Эрик Шмидт Хитойнинг сунъий интеллект соҳасида Қўшма Штатлардан

устунлиги ҳақида огоҳлантирди⁽⁴⁷⁾. Ҳарбий соҳада Хитой Америка билан ўзининг ўртасидаги фарқни қисқартиришда катта ютуқларга эришди. 2000 йилда АҚШ мудофаа вазирлиги «Хитой Халқ озодлик армиясининг қуруқлик, ҳаво ва денгиз кучлари катта, лекин асосан эскирган» эканини қайд этди⁽⁴⁸⁾. Йигирма йилдан кейин, Мудофаа вазирлиги «Хитой сўнгги йигирма йил мобайнида Халқ озодлик армиясини деярли ҳар жиҳатдан кучайтириш ва модернизация қилиш учун ресурслар, технологиялар ва сиёсий иродани сафарбар қилди ва у баъзи соҳаларда Қўшма Штатлардан амалда илғорлаб кетди», деб белгилади⁽⁴⁹⁾.

Қўшма Штатлар Хитойнинг регионал истакларини чеклаш ва иқтисодини Фарб ҳукмронлик қилаётган глобал иқтисод тизимига қўшиш билан уни демократлаштиришга ва юксалишини жиловлашга имкон топаман, деб ўйлаган эди. Айни шу нарса АҚШнинг Хитойни жиловлаш стратегиясида йўл қўйган хатоси бўлди. Масалан, Клинтон 2000 йилда иқтисодий ўсиш ва демократияни кучайтиришни Хитойнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлади. Ўшанда у шундай деган эди: «Хитой ЖСТга қўшилиш билан бизнинг маҳсулотларимизнигина эмас, балки, демократиянинг энг олий қадрияти ҳисобланган иқтисодий эркинликни импорт қилишга рози бўлади. Хитой ўз иқтисодини қанчалик эркинлаштиради, ўз халқининг имкониятларини шунчалик очиб беради»⁽⁵⁰⁾. Хитой ўз ўйин қоидаларига мувофиқ иқтисодини моҳирлик билан очиб, ҳайратланарли даражада иқтисодий ўсишга эришди. Хитой коммунистик партияси бунда асло чекинишларга йўл қўймади. Америкага ўзининг Хитойни жиловлаш стратегиясидаги хатоларни англаб етиши учун тахминан ўн йил керак бўлди.

2012 йилда президент Обама Қўшма Штатлар ва Осиё ўртасида узоқ кутилган асосий стратегияни эълон қилди. Бу стратегия АҚШ денгиз кучларининг 60 фоизини Европадан Осиё ва Тинч океани минтақасига кўчиришдан иборат эди. Президент Трамп ҳам унинг йўлидан эргашиб, Хитойнинг юқори технологияли саноатига қаратилган савдо урушини бошлади ва бу чоралар Хитойнинг юксалишига ҳеч қандай таъсир қилмади.

Далиога ўхшаган айрим кузатувчилар Американинг Хитойни жиловлашда муваффақиятсизликка учрашига, яқин келажақда Хитой глобал етакчиликда Американинг ўрнини эгаллашининг белгиси сифатида қарайдилар. CNN муҳбири Фарид Закариёга ўхшаганларнинг тахминича, Қўшма Штатлар ва Хитой Америка-Совет Иттифоқи битимида ўхшаган икки қутбли келишувга келади⁽⁵¹⁾. Бу қарашлар Америка қудратини ва унинг сезиларли даражада пасайишини қайта кўриб чиқишга асосланади.

Аслини олганда, АҚШ ташқи сиёсати бўйича айрим таниқли муфаккирлар Американинг пасайишини бундан йигирма йил олдин башорат қилишган. Лекин, улар буни мутлақ эмас, нисбий деб таърифлашган. 1997 йилда, яъни Америка қудрати энг олий чўққига кўтарилиб турган бир пайтда, Збигнев Бжезинский Американинг заволга юз тутиши муқаррарлигини башорат қилган. У Гардиан газетасида: «АҚШ етакчилиги сўна бошлагач... Америка дунёга нимани қолдиради?...» деб ёзди. Ричард Хаас 1999 йилда ўзининг «Ташқи ишлар» номли китобида «Американинг устунлиги асло узоқ давом этмайди, чунки унинг позицияси ва сиёсати бошқаларни муқаррар равишда еб-ютишга асосланади», деб башорат қилади.

Шубҳа йўқки, АҚШ сиёсий тизимининг қутблашиши ва миллий (айниқса, иқтисодий ва ҳарбий) қудратининг заифлашиши Ковид-19 пандемиясидан олдинги етакчи давлатнинг таназзулга учрашига, шунингдек, Европа, Россия ва Хитой билан Америка муносабатларининг ёмонлашиши АҚШ устунлигининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Бундан ташқари, Американинг заифлашиши Фарбнинг заифлашиши ҳамдир. Фарбнинг коронавирусга нотўғри ёндашиши Америка ва Европа етакчилигига бўлган ишончнинг емирилишига олиб келди. Вакцина масаласидаги миллатчилик Фарбнинг етакчилик салоҳиятидаги навбатдаги доғ бўлиб қолди. Бундан фарқли ўлароқ, Россия ва Хитой дунёнинг энг қашшоқ юртлари ўртасида обрўсини яхшилаб олиш учун вакцина дипломатиясини йўлга қўйди.

Мусулмонларнинг буюк кучларни қулатиш имконияти

Дунё коронавирус пандемиясидан чиққанидан кейин, Фарбнинг дунё устидан ҳукмронлик қилиши олдингидай бўлмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجَلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ﴾

«Ҳар бир жамоат учун ажал бордир. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар» [Аъроф 34]

Бу эса, исломий юртлар учун Фарб ҳукмронлигидан озод бўлиш имкониятидир.

Росулulloҳ ﷺнинг сийратлари халқаро вазиятдан қандай фойдаланиш ҳамда буюк кучлар ўртасидаги, масалан, Рум ва Форс ўртасидаги курашни кузатиш ҳақидаги мисолларга тўла. Ўша пайтда Росулulloҳ ﷺ ҳар икки томоннинг имкониятларини жуда яхши билар эдилар. Мусулмонлар Росулulloҳ ﷺнинг ҳаётий ишларидан кўп нарсани ўрганишлари ва уларни ҳозирги ҳолатларида қўллашлари мумкин.

Пайғамбар ﷺ кучли сиёсий муҳитда вояга етдилар. Чунки Қурайш Рум ва Форс ўртасидаги кучлар мувозанатини кузатиб борар эди. Бунинг сабаби шуки, Қурайшнинг ҳар икки томон билан савдо келишувлари бор эди. У ушбу икки буюк куч ўртасидаги ҳар қандай можаронинг савдо ишларига таъсир қилишидан қўрқиб, бу можарода бетарафликни таъмин этиш учун воқеаларни кузатиб борган. Воқеаларнинг бирида Абу Бакр  қурайшликлар билан Румнинг Форс устидан ғалаба қилишига гаров бойлади. Росулulloҳ  румликларнинг форсларга қараганда кучсизлигини тўлиқ билар эдилар. У Зот румликларнинг маълум вақт ичида форсларни мағлуб этиш учун бу ҳолатни ўзгартиришларини ҳам билар эдилар. Шунинг учун Абу Бакрга Қурайш билан бойлаган гаровида вақтни оширишни ва туялар сонини кўпайтиришни буюрдилар. Баъзи ҳолларда, Росулulloҳ  нусрат бермоқчи бўлганларнинг етарли кучга эгаллиги ёки эга эмаслигини аниқлаш учун майда тафсилотларгача киришар эдилар. Бундан мақсад, нафақат исломий давлатни барпо этиш, балки, уни кенгайтириш ҳамда Рум ва Форс давлатларига барҳам бериш эди. Ҳатто Росулulloҳ  Мадинадаги илк исломий давлатни барпо этиш учун кетаётганларида ҳам, унинг барпо бўлишига бўлган ҳар қандай таъсирни камайитириш учун Рум ва Форсни диққат билан кузатган эдилар.

Росулulloҳ  халқаро вазиятни ёки румлик ва форсликлар тузиши мумкин бўлган режаларни эътиборсиз қолдирмадилар. У Зот 629 йилда Мадинаи Мунаввара хавфсизлигига жануб томондан Қурайш, шимол тарафдан Ҳайбар яҳудийлари хавф солишини ва бу ҳолат янги барпо бўлган Исломий давлатга вазиятни янада хавфли қилиши мумкинлигини англадилар. Чунки ўша пайтда румликлар Арабистон ярим оролида ўзлари учун таянч нуқтасини излашаётган эди ва бунга аниқ номзод Ҳайбар эди. Бироқ, Ҳудайбия шартномасининг имзоланиши Росулulloҳ  га яҳудийлар таҳдидини четлаштириш ва румликларнинг ўз ҳукмронликларини кенгайтиришларига йўл қўймаслик имконини берди. У Зотнинг вафотларидан кейин саҳобалар ҳам айна шу йўлни давом эттирдилар. Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб  лар бир вақтнинг ўзида рум ва форсларга қарши жанг қилганларида, бу икки қудратли юртнинг йигирма олти йиллик урушдан кейин, нисбий таназзулга юз тутганини билардилар. Шу боис, Исломий давлат бу икки қудратли мамлакатга ҳал қилувчи зарбани бериш учун бу фурсатдан фойдаланди.

Шунинг учун мусулмонлар халқаро вазиятни мунтазам кузатиб боришлари, буюк кучларнинг таназзули ва юксалишига баҳо беришлари, шунингдек, исломий давлатни барпо қилиш, кейин уни кенгайтириш имкониятини доим излашлари керак. Бугунги кунда

ушбу вазифани бажариш учун етарли жасорат ва самимийлик борми?! Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَتَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур» [Муҳаммад 7]

[24] Amdad, K. (2020). Largest Economies in the World: Why China Is the Largest, Even Though Some Say It's the U.S. *the balance*. Available at: <https://www.thebalance.com/wor...>

[25] Fortune. (n.d.) Fortune: Global 500, Fortune. Available at: <https://fortune.com/global500/...>

[26] OECD, (2021). Household disposable income (indicator). doi: 10.1787/dd50eddd-en

[27] Visual Capitalist, (2021) The U.S. Share of the Global Economy Over Time. Available at: <https://www.visualcapitalist.c...>

[28] CPI Inflation Calculator, (2021) Value of \$1 from 1960 to 2021. Available at: <https://www.in2013dollars.com/...>

[29] Fortune Media. (2020 FORTUNE Releases Annual FORTUNE Global 500 List. Available at: <https://www.prnewswire.com/new...>

[30] Telford, T. (2019), Income inequality in America is the highest it's been since Census Bureau started tracking it, data shows. Washington Post, Available at: <https://www.washingtonpost.com...>

[31] Time, (2020). The Top 1% of Americans Have Taken \$50 Trillion From the Bottom 90%—And That's Made the U.S. Less Secure. *Time*, Available at: <https://time.com/5888024/50-tr...>

[32] Vine, D. (2015). Where in the World Is the U.S. Military? *Politico*. Available at: <https://www.politico.com/magaz...>

[33] Statista, (2020). The 15 countries with the highest military spending worldwide in 2019. Statista. Available at: <https://www.statista.com/stati...>

[34] Daggett S. (2010). Quadrennial Defense Review 2010: Overview and Implications for National Security Planning, *Congressional Research Service*. Available at: <https://fas.org/sqp/crs/natsec...>

[35] New York Times, (2018). U.S. Military's Global Edge Has Diminished, Strategy Review Finds. *New York Times*. Available at: <https://www.nytimes.com/2018/1...>

[36] Arkin, W. (2019). Fewer Americans want to serve in the military. Cue Pentagon panic, *The Guardian*. Available at: <https://www.theguardian.com/co...>

[37] Synovitz, R. (2003). U.S.: Two Years After 9/11, 'Two Wests' Emerging With Fundamental Differences. Radio Free Europe. Available at: <https://www.rferl.org/a/110430...>

[38] BBC, (2017). Merkel: Europe 'can no longer rely on allies' after Trump and Brexit. *BBC*. Available at: <https://www.bbc.com/news/world...>

[39] Sky News, (2018). Donald Trump ridicules Emmanuel Macron with jibe over First and Second World Wars. *Sky News*. Available at: <https://news.sky.com/story/don...>

[40] New York Times, (2021). Biden Tells Allies 'America Is Back,' but Macron and Merkel Push Back. *The New York Times*. Available at: <https://www.nytimes.com/2021/0...>

[41] Gates, R. (2014). Putin's Challenge to the West. *Wall Street Journal*. Available at: <https://www.wsj.com/articles/S...>

[42] Kitap Sun, (2000). RUSSIAN NAVY: Feelings of shame, disgrace. *Kitap Sun*. Available at: <https://products.kitsapsun.com...>

[43] *ibid.* 15

[44] Council of Foreign relations, (2020). Timeline: US Relations with China. *Council of Foreign Relations*. Available at: <https://www.cfr.org/timeline/u...>

[45] *ibid.* 15

[46] The World Bank, (n.d.). World Development Indicators. The World Bank. Available at: <https://datatopics.worldbank.o...>

[47] James, V. (2017). Eric Schmidt says America needs to 'get its act together' in AI competition with China. *The Verge*. Available at: <https://www.theverge.com/2017/...>

[48] Department of Defense, (2020). Military and Security Developments Involving the People's Republic of China 2020. *Department of Defense*, Available at: <https://media.defense.gov/2020...> [48] *ibid.* 47

[49] *ibid.* 47

[50] Johns Hopkins University, (2000). Full Text of Clinton's Speech on China Trade Bill. Available at: <https://www.iatp.org/sites/def...>

[51] Zakaria, F. (2020). China-US rivalry poses world's greatest challenge, but we can prosper. *The Sunday Morning Herald*. Available at: <https://www.smh.com.au/nationa...>

[52] Brzezinsky, Z. (1997). *The Grand Chessboard*. New York: Basic Books. Pp. 210

[53] Haass, R. (1999). What to Do With American Primacy. *Foreign Affairs*. Available at: <https://www.foreignaffairs.com/articles/1999-09-01/what-do-american-primacy>. □

**ЁЛҒИЗ ХАЛИФАЛИККИНА ДИННИ ҚОИМ ҚИЛИБ, УММАТНИ
БИРЛАШТИРАДИ, НОМУСЛАР ВА МУҚАДДАС ДАРГОҲЛАРНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИБ, ЗУЛМ ВА ЗОЛИМЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛАДИ**

**Абдулхолиқ Абадун Али
Ҳизб ут-Тахрир Судан вилояти
матбуот бўлими аъзоси**

Халифа қоим қилиш ер юзидаги барча мусулмонларга фарздир. Уни бажариш Аллоҳ мусулмонларга юклаган бошқа барча фарзларни бажариш каби бўлиб, мусулмонлар учун бу масалада танлов йўқ. Унда сусткашлик қилиш энг оғир гуноҳ бўлиб, Аллоҳ бунинг учун қаттиқ азобга гирифтор қилади. Халифа қоим қилишнинг вожиблигига Қуръон, Суннат ва саҳобалар ижмоъсидан далиллар мавжуд.

Қуръондаги далилларга келсак, Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ ни мусулмонлар орасида Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишга буюрган бўлиб, буйруқ қатъий шаклда келган. Аллоҳ Таоло Росулulloҳга қарата бундай дейди:

﴿فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ﴾

«Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!» [Моида 48]

﴿وَأَنْ أَحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرُهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида 49]

Росулulloҳ ﷺ га бўлган хитоб – хослайдиган далил келмаган бўлса – Умматга бўлган хитобдир. Модомики, бу хитобни Росулulloҳ ﷺ га хослайдиган далил келмаган экан, демак, ҳокимиятни тиклаш ҳақидаги хитоб мусулмонларга бўлган хитобдир. Халифа қоим қилиш ҳокимият ва салтанат тиклашни англатади. Аллоҳ Таоло мусулмонларни иш эгалари яъни ҳокимларга итоат этишга буюрар экан, демак бу мусулмонлар тепасида иш эгаси бўлишини вожиб қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!» [Нисо 59]

Аллоҳ Таоло ўзи мавжуд бўлмаган кишига итоат этишга буюрмайди. Демак, иш эгасини пайдо қилиш вожибдир. Аллоҳ Таоло иш эгасига итоат этишга буюрар экан, табиийки, уни пайдо қилишга буюряпти. Чунки иш эгаси пайдо бўлгач, шаръий ҳукм тикланади, иш эгаси пайдо қилинмаса, шаръий ҳукм зое кетади. Демак, иш эгаси пайдо қилинмаслиги оқибатида ҳаром иш содир бўлади, яъни шаръий ҳукм зое кетади ва уни пайдо қилиш вожибга айланади.

Суннатга келсак, имом Муслим Нофеъдан қилган ривоятда у киши айтади: Менга ибн Умар бундай деган эди: Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитганман:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لِقَايَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَكَلَّسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةَ مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким итоатдан бош тортса, қиёмат куни Аллоҳга ҳужжатсиз ҳолда йўлиқади. Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимини топибди». Демак, Росулulloҳ ﷺ ҳар бир мусулмонга бўйнида байъат бўлишини вожиб қилдилар ва байъатсиз ҳолда ўлган кишини жоҳилият ўлимини топганлигини айтдилар. Бунинг маъноси ҳар бир мусулмон халифа ҳузурига бориб, унга байъат қилиши вожиб дегани эмас. Балки бу ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъат бўлиши, бошқача айтганда байъат қилинадиган халифа бўлиши вожиб деганидир. Чунки халифанинг мавжуд бўлиши ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъатни пайдо қилади. Уларнинг амалда байъат қилиши ёки қилмаслигининг фарқи йўқ. Шунинг учун мазкур ҳадис ҳар бир шахс халифага байъат қилиши вожиблигига эмас, балки халифани қоим қилиш вожиблигига далил бўлади. Росулulloҳ ﷺ байъат қилмасликни эмас, аксинча бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлган кишини қоралаганлар. Имом Муслим Аъраждан, у эса Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ бундай дейдилар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُفَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَنْتَقَى بِهِ»

«Имом қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади».

Имом Муслим Абу Ҳозимдан ривоят қилган ҳадисда бундай дейди: Абу Ҳурайра билан беш йил яшадим ва ундан ушбу ҳадисни эшитдим:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي،
وَسَتَكُونُ خُلَفَاءَ فَتَكْتُمُونَ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُؤَا بَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ، وَأَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ
اللَّهَ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинлар ва уларнинг ҳақларини беринлар, зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди», дедилар.

Росулulloҳ ﷺ Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда айтадилар:

«مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ عَلَيْهِ فَإِنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَيْئًا فَمَاتَ عَلَيْهِ إِلَّا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридаги бирон нарсани ёқтирмаса унга сабр қилсин. Зеро кимки султондан бир қарич четга чиқиб шу ҳолда ўлса жоҳилият ўлимини топади». Ушбу ҳадисларда Росулulloҳ ﷺ мусулмонлар тепасига волийлар келиши ҳақида айтиб, халифани қалқон деб сифатладилар. Росулulloҳ ﷺ имомни қалқон деб сифатлашлари имом мавжуд бўлса фойдалари кўп бўлиши ҳақида хабар беришдир. Демак, бу талабни англатади. Чунки Аллоҳ ва Унинг Росули томонидан бўлаётган хабар қоралашни ўз ичига олса, ўша ишни тарк этишни талаб қилаётган, бошқача айтганда ўша ишдан қайтараётган бўлади. Агар хабар мақтовдан иборат бўлса, ўша ишни қилиш талаб қилинган бўлади. Агар талаб қилинган ишнинг бажарилиши ортидан шаръий ҳукм тикланса, ёки бажармаслик ортидан шаръий ҳукм зое кетса, бу талаб қатъий талаб бўлади. Ушбу ҳадисларда мусулмонларни бошқараётганлар халифалардир, демак, уларни тиклаш вожиб бўлади. Ҳадисларда яна мусулмон киши султоннинг итоатидан чиқиши ҳаромлиги ҳақида айтилмоқда. Бу эса, мусулмон киши султонни, бошқача айтганда, ҳокимни тиклаши вожиб эканлигини англатади. Росулulloҳ ﷺ халифага итоат қилиш ва Халифалик талашганлар билан жанг қилишга буюрар экан, бу халифани қоим қилиш ва Халифаликни талашаётганлар билан жанг қилиш орқали уни сақлаб қолишга бўлган буйруқдир. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِهِ وَتَمَرَةً قَلْبِهِ فَلْيَطْعُمَهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخَرَ يُبَايِعُهُ فَأَضْرِبُوا عُنُقَ الْآخِرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қилсин. Энди агар бошқа биров келиб у билан имомликни талашса, иккинчисини ўлдириглар». Имомга итоат қилишга бўлган буйруқ уни тиклашга бўлган буйруқдир. Халифалик талашаётганлар билан жанг қилишга бўлган буйруқ эса, фақат ягона халифа бўлиши шартлигига қатъий қаринадир.

Саҳоба رضي الله عنهمлар ижмосига келсак, улар Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم вафот этганидан кейин у кишига ўринбосар, яъни халифани қоим қилиш ҳақида ижмоъ қилишган. Шунинг учун ҳам улар дастлаб Абу Бакр, кейин Умар, кейин Усмон رضي الله عنهни халифа қилишди. Саҳобаларнинг Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم вафот этганидан кейин у кишини дафн қилишни кечиктириб, халифани қоим қилиш билан машғул бўлишлари бу ишнинг вожиб эканига далилдир. Ҳолбуки, маййит зудлик билан дафн қилиниши вожиб бўлиб, дафн тўла амалга оширилмасдан бошқа иш билан машғул бўлиш ҳаромдир. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمни дафнга тайёрлаши керак бўлган саҳобаларнинг бир қисми у зотни дафнга тайёрлаш ўрнига халифани қоим қилиш билан машғул бўлишди, қолган қисми мана шу ишга сукут сақладилар. Шунингдек, дафн қилишга қудратлари етса-да бу ишни икки кечага кечиктиришди. Бу эса, маййитни дафн қилишдан кўра, халифа қоим қилиш афзал эканига ижмоъ қилишганини англатади. Кўриниб турибдики, халифа қоим қилиш маййитни дафн қилишдан кўра вожиброқдир. Барча саҳобалар ҳаётлари давомида халифани қоим қилиш вожиблигига ижмоъ қилишган. Улар ким халифа бўлиши ҳақида турли келишмовчиликлар қилишган бўлсаларда, на Росулulloҳ вафотидан кейин ва на рошид халифалар вафотидан кейин халифа қоим қилиш борасида ихтилоф қилишмаган. Шунинг учун уларнинг ижмоси халифани қоим қилиш вожиб эканига очиқ ва кучли далилдир.

Динни қоим қилиш ҳамда дунё ва охират ишларининг барчасида шариат аҳкомларини ижро этиш субути ва далолати қатъий далиллар билан вожиб экан, бу иш фақат салтанат эгаси бўлмиш ҳоким орқалигина амалга ошади. Бундан ташқари (Вожиб нима билан адоғига етса, ўша нарса ҳам вожибдир), деган шаръий қоидага кўра халифани қоим қилиш фарздир.

Бу далиллар ҳукумат ва салтанатни қоим қилиш ҳамда ўша ҳукуматни бошқарадиган халифани қоим қилиш мусулмонларга фарз эканининг очиқ далилидир. Бу ерда ёлғиз ҳукумат ва салтанат учун эмас, аксинча шаръий аҳкомларни татбиқ қилиш

учун халифани қоим қилиш фарздир. Имом Муслим Авф ибн Моликдан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар: «خَيْرُ أُمَّتِكُمْ الَّذِينَ تُحِبُّوهُمْ وَيُحِبُّوكُمْ، وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ، وَشِرَارُ أُمَّتِكُمْ الَّذِينَ تَبْغَضُوهُمْ وَيَبْغَضُونَكُمْ، وَتَلْعَنُونَهُمْ وَيَلْعَنُونَكُمْ، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا تُنَادِيَهُمْ بِالسَّيْفِ؟ قَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيكُمْ الصَّلَاةَ»

«Раҳбарларингизнинг яхшилари сизлар уларни яхши кўрадиган, улар ҳам сизларни яхши кўрадиган, сизлар уларнинг ҳаққига дуо қиладиган, улар ҳам сизларнинг ҳаққингизга дуо қиладиганларидир. Раҳбарларингизнинг ёмонлари сизлар уларни ёмон кўрадиган, улар ҳам сизларни ёмон кўрадиган, сизлар уларни лаънатлайдиган, улар ҳам сизларни лаънатлайдиганларидир. Шунда: ё Росулulloҳ, уларга қарши қилич кўтариб чиқмайми? – дейилди. Пайғамбаримиз ﷺ: **йўқ, модомики орангизда намозни қоим қилишар экан**, деб жавоб бердилар». Ушбу ҳадис яхши ва ёмон имом-раҳбарлар ҳақида ҳамда улар динни қоим қилар эканлар уларга қарши қилич кўтариш ҳаромлиги ҳақида очиқ далилдир. Чунки намозни барпо қилиш дин ва дин билан ҳукм юритишдан киноядир. Демак, Ислом аҳкомларини қоим қиладиган ва даъватни оламга олиб чиқадиган халифани қоим қилиш мусулмонларга фарз бўлиб, унинг далилининг субутида шубҳа йўқ, чунки бу ҳақда саҳиҳ шаръий аҳкомлар мавжуддир. Бундан ташқари, Аллоҳ Таоло мусулмонларга Ислом аҳкомларини қоим қилиш ва мусулмонлар бирлигини ҳимоя қилишга буюрганлиги жиҳатидан ҳам фарздир. Лекин бу фарз фарзи кифоя бўлиб, уни айримлар бажарса, қолганлардан соқит бўлади. Агар мусулмонларнинг бир қисми, ҳар қанча уринмасин, уни адо эта олмасалар, барча мусулмонларга уни қоим қилиш фарз бўлиб қолади. Мусулмонлар халифасиз қолар эканлар, ушбу фарз ҳеч қайси мусулмондан соқит бўлмайди.

Аммо уламоларнинг Халифалик вожиблиги ҳақида айтган гапларига келсак, улар жуда кўп бўлиб, айримларини келтириб ўтамиз:

Журжоний айтади: «Имомни қоим қилиш мусулмонларнинг катта манфаатларидан ва дин мақсадларининг энг афзалидандир».

Имом ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ Фатволар мажмуаси китобининг 28 қисми, 390 саҳифасида бундай дейди: (Шуни яхши билиш лозимки, одамларнинг ишларини бошқариш диндаги энг улуғ вазифалардандир. Усиз на дин ва на дунё қоим бўлади. Чунки одам боласининг манфаати бир-бирларини эҳтиёжларини қондириш учун йиғилишлари билан амалга ошади. Улар йиғилганда эса, бошлиқ бўлиши лозим. Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«إِذَا خَرَجَ ثَلَاثَةً فِي سَفَرٍ فَلْيُؤَمِّرُوا أَحَدَهُمْ»

«Агар уч киши сафарга чиқсалар, ўзларидан бирини амир этиб тайин қилсинлар». Абу Довуд Абу Саид ва Абу Ҳурайрадан ривоят қилган. Имом Аҳмад Муснад китобида Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«لَا يَحِلُّ لثَلَاثَةٍ يَكُونُونَ بِفَلَاةٍ مِنَ الْأَرْضِ إِلَّا أَمَرُوا عَلَيْهِمْ أَحَدَهُمْ»

«Кимсасиз саҳрода бўлган уч кишининг ўзларидан бирини ўзлари учун амир этиб тайинламасликлари ҳалол эмас». Росулulloҳ ﷺнинг энг оз кишилик ва энг оз муддатлик жамланишда ҳам бир кишини амир-бошлиқ қилишга буюрганликлари бошқа турдаги барча жамланишларда ҳам албатта амир тайин қилиш кераклигини кўрсатади. Шунингдек Аллоҳ Таоло маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришни вожиб қилди. Бу эса, куч ва амирлик орқали рўёбга чиқади. Бундан ташқари, жиҳод, адолат, ҳаж, йиғилиш, ҳайит байрамлари, мазлумга ёрдам бериш ва ҳадларни ижро қилиш каби ишлар куч ва амирлик орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун «Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир», «Султонсиз ўтказилган бир кечадан кўра золим имом билан ўтказилган олтмиш йил яхшироқдир», деб бежиз айтилмаган. Фузайл ибн Иёз ва Аҳмад ибн Ҳанбаллар: **«Агар дуойимиз ижобат бўлганида султон учун дуо қилган бўлар эдик»**, деган эдилар). Иқтибос тугади.

Ибн Таймия Фатволар мажмуаси китобининг 28 қисми, 64 саҳифасида бундай дейди: (Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ Умматига ўзлари учун иш эгаларини тайин қилишларига ва иш эгаларини омонатга хиёнат қилмасликларига буюрдилар. Шунингдек, уларни агар одамлар орасида ҳукм чиқарсалар адолат билан ҳукм чиқаришларига буюрдилар. Иш эгалари Аллоҳга итоат қилар эканлар, одамларни уларга итоат қилишга чақирдилар. Абу Довуд Абу Саиддан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«إِذَا خَرَجَ ثَلَاثَةً فِي سَفَرٍ فَلْيُؤَمِّرُوا أَحَدَهُمْ»

«Агар уч киши сафарда бўлсалар ўзларидан бирини амир қилиб олсинлар». Абу Довуднинг Сунанида яна Абу Ҳурайрадан худди шу каби ҳадис ривоят қилинган. Имом Аҳмад ўзининг Муснадида Абдуллоҳ ибн Умардан шундай ривоят қилади: Пайғамбаримиз ﷺ айтдилар:

«لَا يَحِلُّ لثَلَاثَةٍ يَكُونُونَ بِفَلَاةٍ مِنَ الْأَرْضِ إِلَّا أَمَرُوا أَحَدَهُمْ»

«Кимсасиз саҳрода бўлган уч кишининг ўзларидан бирини амир этиб тайинламасликлари ҳалол эмас». Энг кам ва энг

қисқа йиғилишларда ҳам бир кишини амир этиб тайин қилиш вожиб экан, демак, бундан каттароқ йиғилишларда бир кишини амир этиб тайин қилиш вожиблигида шубҳа йўқдир. Имом Аҳмад ўзининг Муснадида Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«إِنَّ أَحَبَّ الْخَلْقِ إِلَى اللَّهِ إِمَامٌ عَادِلٌ، وَأَبْغَضَ الْخَلْقِ إِلَى اللَّهِ إِمَامٌ جَائِرٌ»

«Албатта Аллоҳ учун энг суюкли одам одил имомдир. Аллоҳ учун энг манфур одам эса, золим имомдир».

Абу Бакр رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺ вафотидан сўнг Халифаликка киришар экан, бундай деган эди: «Огоҳ бўлингки, дарҳақиқат, Муҳаммад ўлди, энди бу дин учун уни қоим қиладиган киши керак».

Дорамий ўзининг Сунанида бундай дейди: Язид ибн Ҳорун Сафвон ибн Рустамдан, у Абдуррахмон ибн Майсарадан, у Тамим Дорийдан ривоят қилишича у киши айтади: Умарнинг Халифалиги даврида одамлар бино қуришга киришиб кетишди. Шунда Умар: «Эй араблар ер ўз йўлига. Лекин Ислоом жамоат билан, жамоат амирлик билан, амирлик итоат билан бўлади. Қавм бирортасини фақиҳлигига кўра бошлиқ этиб тайин қилса, бу ўзлари ва у учун ҳаёт бўлади. Яна бошқа бирини фақиҳлигидан бошқа асосга кўра бошлиқ этиб тайин қилса, бу ўзлари ва у учун ҳалокатдир», деган эди. Умарнинг ушбу гапини Ибн Абдулбир Қуртубий ўзининг «Илм ва унинг фазилатлари баёни тўплами» китобида ҳам ривоят қилган.

Шайх Тоҳир ибн Ошур ўзининг Исломдаги ижтимоий низом асослари китобида бундай дейди: «Мусулмонлар учун умумий ва хос ҳукуматни қоим қилиш исломий қонунчилик асосларидан биридир. Бу ҳақда Қуръондан ва маънан мутавотир даражасига етган суннатдан жуда кўп далиллар бор. Саҳобалар Пайғамбаримиз ﷺ вафот этганларидан кейин зудлик билан йиғилиб, Исломиий Уматни бошқариш учун Росулulloҳ ﷺга ўринбосар тайинлаш ҳақида маслаҳатлашишди. Муҳожир ва ансорлар айвонда тўпланишган кунда Росулulloҳ ﷺдан кейин халифа қоим қилишга ижмоъ қилишди. Натижада Абу Бакр Сиддиқ мусулмонларга халифа бўлди. Шундан сўнг, мусулмонлар халифа қоим қилиш вожиблиги ҳақида ихтилоф қилишмади. Бу борада айрим хавориж ва мўътазилалардан бошқа ҳеч ким ихтилоф қилмади. Чунки улар ижмони инкор қилишган эди, лекин кўпчилик уларнинг гапига на эътибор берди ва на тинглади. Шариат асосларида Халифаликнинг ўрни юқори бўлгани учун Усули дин уламолари уни батафсил келтиришган. Унинг бобларидан бири имомлик бобидир. Икки Ҳарам имоми Абулмаолий Жувайний ўзининг Иршод китобида

бундай дейди: (Имомлик ҳақидаги гап ақида асосларидан эмас. Бу борада адашаётган кишининг хатари дин асосларидан бирортасини ҳам билмайдиган кишининг хатаридан каттароқдир)». Шу ерда Ибн Ошурнинг гапи ўз ниҳоясига етди. Жувайний айтган сўзларидаги маъно шуки, имомлик масаласи ақида асосларига тааллуқли бўлмасда, бироқ, бу масала аҳамиятли бўлгани учун унда хато қилиш дин асосларида хато қилишдан кўра хатарлироқдир.

Ҳайсамий ўзининг «Савоиқул Муҳриқа» (Ёндирувчи момақалдирик) китобида бундай дейди: «Билингки, саҳоба лар Пайғамбарлик замони тугаганидан кейин имом қоим қилиш вожиблигига ижмоъ қилишган. Улар Росулulloҳ ни дафн қилишдан кўра кўпроқ имом тайин қилиш билан машғул бўлишган экан, демак улар бу масалани энг муҳим вожиб вазифа қилиб белгилашган».

Абу Бакр Ансорий ўзининг Ғоятул вусул фи шарҳи луббул усул китобида бундай дейди: (Одамлар чегараларни мустаҳкамлаш, қўшинни тайёрлаш ҳамда зўравон ва ўғирликча кирмоқчи бўлганларга қаттиқ туриш каби ўзларининг манфаатини рўёбга чиқарадиган имомни тайинлашлари вожибдир. Чунки Пайғамбаримиз  вафот этганларидан кейин саҳобалар шунга ижмоъ қилишган ва уни энг муҳим вожиб вазифага айлантиришган. Улар ҳатто имом тайин қилишни дафн маросимидан устун кўришган. Замонлар ўтар экан, одамлар мана шу асосда иш юритиб келишди».

Наҳв ва усул олими мутакаллим муфассир ва фақиҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳошим Маҳаллий шофеий Жалолиддин ўзининг Шарҳул маҳаллий ала жамиил жавомеъ китобида бундай дейди: «Одамлар чегараларни мустаҳкамлаш, қўшинни тайёрлаш, зўравон ва ўғирликча кирмоқчи бўлганларни қайтариш ва йўл тўсарларга жазо бериш каби ўз манфаатларини рўёбга чиқарадиган имомни тайин қилишлари вожибдир. Чунки саҳобалар Пайғамбаримиз  вафот этганларидан кейин имом тайин қилиш вожиблигига ижмоъ қилишган. Улар имом тайинлашни энг муҳим вазифа сифатида белгилаб, уни дафн маросимидан афзал деб билишган. Замонлар ўтар экан, одамлар мана шу асосда иш юритишган».

Шофеий мазҳабидаги фақиҳ олимлардан бири ва кичкина Шофеий лақабини олган Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Рамлий Ансорий (бу киши ҳижратнинг тўққизинчи асрида яшаган уламолардандир) ўзининг Ғоятул баён шарҳу Забаду ибн Рослан китобида бундай дейди: (Одамлар аҳкомларни ижро қилиш, ҳадларни қоим қилиш, чегараларни мустаҳкамлаш, қўшинни тайёрлаш, садақаларни йиғиш, зўравон ва ўғирликча киришга

ҳаракат қилаётганларни тўсиш, қароқчиларни жазолаш, хусуматлашганлар ўртасида содир бўлган келишмовчиликларга барҳам бериш ва ўлжаларни тақсимлаш каби ўз манфаатларини рўёбга чиқарадиган имомни тайин қилишлари вожибдир. Чунки саҳобалар Пайғамбаримиз ﷺ дан кейин имом тайин қилиш вожиблигига ижмоъ қилишган. Улар бу ишни энг муҳим вожиб вазифа сифатида белгилаб, Росулulloҳ ﷺ ни дафн қилишдан ҳам кўра афзал билишган. Замонлар ўтар экан, одамлар мана шу асосда иш юритишган).

Доктор Зиёуддин Раййис ўзининг (Ислом ва Халифалик) номли китобининг 348 саҳифасида бундай дейди: «Ижмоъ (салафлар) белгилаганидек исломий шариат асосларидан биридир. Энг кучли ва мартабаси баланд ижмоъ эса саҳобалар ижмоъсидир. Чунки улар энг биринчи мусулмонлардан бўлиб, Росулulloҳ ﷺ билан доим бирга бўлишган ҳамда у кишининг сўзларини кўп эшитишган, қилган ишларини кўришган ва жиҳодларда бирга иштирок этишган. Улар исломий аҳкомларни пухта билишар ва Ислом сирларидан бохабар эдилар. Уларнинг саноғи чекланган ва ижмоълари машҳур бўлган. Саҳобалар Росулulloҳ ﷺ Роббиси ҳузурига кетиши ортидан зудлик билан у кишига ўринбосар тайинлаш вожиблигига ижмоъ қилишган. Улар ўшанда бир жойга йиғилиб, халифа тайинлаш билан машғул бўлишди. Саҳобалардан бирортаси имом ёки халифа тайинлашга эҳтиёж йўқ, деб айтмаган. Шундай қилиб, халифа бўлиши вожиблигига ижмоъ қилинган, Халифалик масаласида суюниладиган асл ижмоъ мана шудир».

Доктор Зиёуддин ўз китобининг 99 саҳифасида яна бундай дейди: «Халифалик мусулмонлар учун энг муҳим мансаб бўлиб, исломий шариатда Халифаликни барпо этиш асосий ва улў фарз экани, чунки бошқа фарзларнинг ижроси унга боғлиқлиги ҳақида кўплаган нусуслар мавжуд».

Доктор мазкур китобнинг 341 саҳифасида яна бундай дейди: «Ислом уламолари юқорида айтиб ўтганимиздек, Халифалик ёки имомлик диндаги асосий ва муҳим фарзлардан экани ҳақида ижмоъ қилишган. Чунки бошқа фарзларнинг ижроси ва мусулмонлар манфаатларининг рўёбга чиқиши Халифаликка алоқадордир. Шунинг учун улар бу мансабни кичкина имомлик деб аталмиш намоз имомлиги қаршисида буюк имомлик деб аташган. Бу аҳли сунна вал жамоанинг фикри бўлиб, улар мусулмонларнинг кўпчилик қисмини ташкил этади. Демак, у тўрт имом ҳамда Мовардий, Жувайний, Фаззолий, Розий, Тафтазоний, Ибн Халдун ва бошқа уламолар каби кибор уламоларнинг фикридир. Мусулмонлар динларини ўша имомлардан ўрганишади. Биз эса, Халифалик вожиблигига улар келтирган далил ва ҳужжатларни билиб олдик».

Доктор Зиёуддин Шаҳристонийнинг қўйидаги гапларини келтиради: «На Абу Бакр ва на бошқаси имомсиз яшаш жоизлиги ҳақида айтмаган. Буларнинг барчаси шунга далолат қиладики, энг аввалгилардан бўлиб Исломга кирган саҳобалар имомлик вожиблигига ижмоъ қилишган».

Шайх Али Билҳож ўзининг (Халифаликни қайта барпо этиш диндаги энг буюк вожиблардандир), номли китобида бундай дейди: «Нега Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлмас экан. Ахир Ислом уламолари Халифалик ушбу буюк диндаги асосий фарзлардан бири экани ҳамда бошқа фарзларнинг ижроси унга боғлиқ бўлган «энг катта фарз» экани ҳақида айтишган-ку. Шунингдек, улар ушбу фарзни қоим қилишда бепарволик қилиш «катта гуноҳ» экани ҳамда исломий халқлар ва мусулмонлар ўртасида пайдо бўлаётган тортишувлар, келишмовчиликлар, сарсон саргардонликлар ва йўқотишлар мусулмонларнинг ушбу фарзни қоим қилишда сусткашлик қилаётганидан содир бўлаётганини айтишган».

Ибн Халдун ўзининг Муқаддимасида бундай дейди: «Имом тайин қилиш вожибдир. Унинг шариатдаги вожиблиги саҳоба ва тобеинларнинг ижмосидан билинади. Чунки саҳобалар Росулulloҳ ﷺ вафот этиши ортидан зудлик билан Абу Бакрга байъат бериш ва ўз ишларида унга таслим бўлишга шошилишди. Кейинги пайтларда ҳам шу иш давом этди ва одамлар бошбошдоқликка йўл қўйишмади. Натижада бу иш имом тайин қилиш вожиблигига далолат қилувчи ижмоъ бўлиб қолди». Бошқача айтганда, ушбу ижмоъ йиллар ўтиб барқарорлашди ва тавотир даражасига етди.

Машҳур хатиб Бағдодий раҳимахуллоҳ айтади: «Муҳожир ва ансорлар Абу Бакрнинг Халифалигига ижмоъ қилиб, унга: Эй Росулulloҳнинг халифаси деб мурожаат қилишди. Пайғамбаримиз ﷺ вафот этган пайтда ўттиз минг мусулмон бор бўлиб, уларнинг барчаси Абу Бакрни Росулulloҳнинг халифаси деб аташди ва ундан рози бўлишди. Лекин ҳар бир мусулмон байъат қилиши шарт эмас, муҳими имомсиз яшаш ҳаромлиги ва Росулulloҳнинг ўринбосари бўлиши шартлигига ижмоъ қилганларидир. Чунки Росулulloҳ ﷺ:

«وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مَيْتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким бўйнида байъати йўқ ҳолда вафот этса, жоҳилият ўлимини топибди», деган эдилар. Демак, талаб қилинган нарса ҳар бир мусулмон байъат қилиши эмас, балки байъат қилинадиган халифанинг бўлишидир. Шунинг учун миллиардлаган мусулмонларнинг ҳар бири халифага байъат қилиши шарт эмас,

балки Уммат ёки Уммат вакилларининг ихтиёрий байъат беришлари кифоя».

Абул Ҳасан Ашъарий айтади: Аллоҳ Таоло муҳожир, ва ансорлар ҳамда Исломга биринчилардан бўлиб кирганларни мақтади. Улар Қуръони каримнинг кўплаган оятларида зикр қилинди ва ризвон байъатида қатнашганлар мақталди.

﴿لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ﴾

«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида сизга байъат қилаётган вақтларида – рози бўлди» [Фатҳ 18]

Аллоҳ Таоло мақтаган ушбу кишилар Абу Бакрнинг имомлигига ижмоъ қилиб, уни Росулulloҳнинг халифаси деб аташди. Сўнг унга байъат қилиб, унга бўйсунди ва афзал эканини тасдиқлашди. Чунки Абу Бакр илм, зоҳидлик, ўткир фикр, Умматни бошқариш каби имомликка ҳақли бўладиган барча хислатларда жамоат ичидаги энг афзал киши бўлган эди.

Абдулмалик Жувайний айтади: Абу Бакрнинг имомлиги саҳобалар ижмоси орқали ўз исботини топди. Чунки улар Абу Бакрнинг бошқарувида рози бўлишган эди... Али رضي الله عنهнинг Абу Бакрга байъат беришдан бош тортгани ҳақида Рофизийлар тўқиган уйдирмалар эса, очиқ ёлғондир. Тўғри, Али رضي الله عنه ўша кунлари айвонда бўлмаган эди. Чунки у Росулulloҳнинг вафотларидан қаттиқ аламда бўлиб, узлатда яшаётган эди. Лекин санокли кунлар ўтиб, у ҳам одамларга қўшилиб, гувоҳлар олдида Абу Бакрга байъат берди.

Абу Бакр Боқилоний Абу Бакр Сиддиқнинг Халифалигига бўлган ижмоъ ҳақида гапирар экан, бундай дейди: Муслмонлар унга байъат қилиш, итоат қилиш ва бўйсунишга ижмоъ қилишгани учун имом бўлишга лойиқ эди. Ҳатто мўминлар амири Али رضي الله عنه Абу Бакрнинг: Мени ўз ҳолимга қўйинг, мен сизлардан афзал эмасман деган гапига жавобан бундай деган эди: Сизни ўз ҳолингизга қўймаймиз. Чунки Росулulloҳ ﷺ сизни динда биздан устун қилган экан, қандай қилиб сизга дунёмиз учун рози бўлмаймиз. Яъни, Росулulloҳ ﷺ тириклик пайтларидаёқ сизни намозга имом ва ҳаж амирлигига ўринбосар қилган экан, демак бу сизни бизга амир қилганидир. Ҳа, Абу Бакр Уммат ичида энг имони кучли, фикри ўткир ва илми етук киши бўлган эди.

Шаҳристоний Абу Бакрнинг вафоти яқинлашиб, Умар رضي الله عنهни Халифаликка танлар экан, саҳобаларнинг ҳолатини шундай тасвирлайди: «На Абу Бакр ва на бирор саҳоба имомсиз яшаш жоизлиги ҳақида айтмаган. Бу эса, биринчилардан бўлиб динга кирган саҳобалар имом бўлиши шартлиги ҳақида битта фикрда

бўлганларига далилдир. Шунинг учун бу имом бўлиши вожиблигига қатъий далилдир».

Ийжий «Мавоқиф фи илмил Калам» китобида бундай дейди: Халифалик вожиблигида икки жиҳат мавжуд:

Биринчиси: Муслмонлар Пайғамбаримиз ﷺ вафот этишлари ортидан имомсиз яшаш жоиз эмаслигига ижмо қилишди ва бу ҳақдаги хабарлар тавотир даражасига етган. Ҳатто Абу Бакр (رضي الله عنه) ўз хутбасида бундай деган эди: Огоҳ бўлингки, албатта Муҳаммад ўлди, шундай экан, бу динни қоим қиладиган киши бўлиши шарт. Шунда одамлар зудлик билан унга рози бўлиб, энг муҳим ишни, яъни Росулulloҳ ﷺ ни дафн қилиш маросимини унга топширишди. Бугунги кунга қадар ҳар бир асрда эргашиладиган имомни тайин этишда одамлар шундай йўл тутиб келдилар.

Иккинчиси: Унда зарарни даф қилиш бор ва у ижмоъ билан вожибдир. Буни қуйидагича баён қиламиз: Биз биламизки, муомала, никоҳ, жиҳод, ҳадлар, ҳайит байрамлари ва йиғилишларда шариат шиорларини кўрсатиш каби Шорейнинг мақсадлари одамларни шу дунёдаги ва охират ҳаётидаги манфаатларидир. Бу эса, одамлар ўзлари дуч келаётган нарсаларда унга мурожаат қилишадиган имомсиз рўёбга чиқмайди. Чунки уларнинг ҳар бирининг истаклари бошқасидан ўзгача, фикрлар тарқоқ ва орасида кек сақлайдиганлар мавжуд. Бир-бирига бўйсунмайди ва натижада бу турли келишмовчиликларга олиб боради. Ҳатто барчаси ҳалокатга учраши мумкин.

Мовардий (Салтанат аҳкомлари) китобида бундай дейди: «Имомлик ижмо орқали вожибдир, гарчи Асом буни инкор қилсада».

Имом Нававий Муслимнинг саҳиҳ тўплами шарҳи, 12 қисм, 205 саҳифасида бундай дейди: «(Салафлар) муслмонларга халифа тайин қилиш вожиблигига ижмоъ қилишган». □

УММАТ ҲАМДА ИСЛОМДАГИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Исом Шайх Фоним

Бу жуда нозик фикрлаш мавзуси бўлиб, бевосита сиёсий таъсирга эга. Тиниқроқ тушуниш учун айтамикки, шундай халқлар борки, жанг майдонига шошилса, баъзилари сояда яшириниб ётади, яна айримлари зулматдадир. Шундай экан, мавзуйимиз сарлавҳаси ҳақида савол туғилади: Айрим халқларни беркиниб ётган еридан чиқиб, ҳаракатланишга, айримларини сояда кутиб туришга нима ундамоқда?! Яна баъзи халқларни зулматга чўктирган нарса нима? Ҳа, бу катта саволдир.

Янада тушунарли бўлиш учун айтамикки, албатта Аллоҳ Таоло инсонларни бир-биридан фарқли қилиб яратди. Шунинг учун уларнинг орасида олимлар, жоҳиллар, бойлар, қашшоқлар, амирлар ва маъмурлар бор. Бироқ илм, бойлик ва амирликда ўзгаришлар юз беради. Айрим ўзгаришлар кимларнидир олдинга қараб интилишига сабаб бўлади. Масалан бир камбағал йигитни амирнинг қизига уйланишга ҳаракат қилаётганини кўрамиз. Унда мана шу ишга лойиқман деган ҳис туйғу мавжуд, шунинг учун ўз илми ёки шижоати ёки қандайдир сабабга кўра амирнинг қизига уйланишга лойиқман деб ҳис қилади. Бу шахсларга нисбатан айтилганда шундай. Аммо халқларга нисбатан айтадиган бўлсак, халқларни олдинга ҳаракатланишга ундайдиган ёки ортга чекинишга мажбур қиладиган омиллар бор. Масалан, зулмни ҳис қилиш Умматни ўзидан ўша зулмни кўтарадиган ишни амалга оширишга ундайди. Ҳақдорлик ҳисси бир миллатни бошқасини сиқиб чиқариш ва унинг ўрнини эгаллашга ундайди. Халқларда бундай туйғу даражаси ҳар хил бўлади. Шунинг учун, туйғуни ҳаракатга келтирувчи қувват жўшқин, ўртача ёки кучсиз бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳақиқий бўлиши ҳам, алдамчи бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, Қаззофий Ливия ҳукуматини узоқ бошқаргани ва одамлар унинг зулмига узоқ сукут қилгани сабабли, уни президент ёки подшоҳдан ҳам буюкроқ деб гумон қилинган эди. Ҳатто одамлар унга қарши кўзғолон кўтарганда уларга: Сенлар кимсан, деган эди. Лекин тез орада одамлар уни ҳукуматдан четлатиб, Сирт шаҳрига ҳайдашди ва ўлдиришди. Шундай қилиб, унинг ҳокимиятнинг чексиз ва юксаклиги ҳақидаги тасаввури нотўғри бўлиб чиқди. Масалан, Американинг инсон ҳуқуқлари масаласида барча халқларга ўзини етакчи қилиб кўрсатиши, бу борадаги устунлик туйғуси бир алдовдир. Чунки инсон ҳуқуқларининг

Америка учун аҳамияти йўқ. Унинг Абу Ғурайб, Баграм ва «Қалъа Жанги»даги сиёсатлари фош бўлгач, бу борадаги устунлик туйғуси ҳам сўнди. Америка шундан кейин ёвузликка қарши курашаётганини даъво қилаётган бузғунчига, покизалигини даъво қиладиган фоҳишага айланди. Бошқача айтганда, ёлғон фош бўлгач, Америка бошқа халқлар устидан устунлик қилишига имкон берувчи омилни йўқотди. Америка бу билан қулаган кишига ўхшаб қолди. Ватанпарварликка чақираётган малай ҳукмдорга келсак, у дадил гапира олмайди, иликлари қалтираб туради... Чунки у ўз атрофидаги унинг малайлигини биладиганларга қарар экан, улар уни алдаётганини билиб турганини кўради. Шунинг учун унинг ватанпарварликка бўлган даъвати ҳақиқий даъват эмас, аксинча, маълум бир мақсад учун бўлади.

Кўплаган мисоллар келтириш орқали масалани янада ёритиш мумкин. Европа давлатлари бугунги демократик сақофатни пайдо қилган Франция қўзғолонидан кейин тараққий этди. Илмий тараққиёт Европа давлатларидаги ҳаёт даражасини кўтарди. Шунда улар йиллар давомида таназзулга юз тутиб келган Усманий давлатдаги мусулмонлардан яхши яшаётганини ҳис қилишди. Европа яна мусулмонларнинг ҳужумларидан ўзини сақлаши лозимлигини ҳис қилди. Натижада Усманий давлатга барҳам бериш ва Европани олам узра ҳукмрон қилиш имкониятини берадиган қуроллар ишлаб чиқиш зарурлигини ҳис қилди. Мана шу ҳис алдамчи эмас, аксинча ҳақиқий ҳис бўлган эди.

Британия ўзини бошқа Европа давлатларига нисбатан зийракрок эканини ҳис қилгач, уларни ўз манфаатига мувофиқ юргизишга ҳаракат қилди. Лекин Британия уларни ўз манфаатига юргизиш учун улардан ишлаб чиқариш ва ҳарбий соҳада устун эканини исботлаши керак эди. Шунинг учун уларни ўз манфаатига мувофиқ юргизишдан олдин саноати ва ҳарбий жиҳатини қайта қурди. Аммо мўғул татарлар ва Наполеон ҳужумига учраган ҳамда европаликлар уни камситаётгани ва ўлжаларни ўзаро бўлишганидек у билан бўлишмаётганини билган Россия халқи адолатсизликни ҳис қилди. Натижада ватанпарварлик руҳи пайдо бўлиб, олдига қараб интила бошлади. Сўнг тўртинчи ўринда турса-да, Европа давлатлари орасида ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Капитализм жаҳаннамидан озод бўлдим деб ҳисоблаётган Россияда коммунистик партия ғалаба қозонгач, тараққий этиш, юксалиш, ўсиш ва бошқалардан устун бўлиш ҳисси пайдо бўлди. Натижада, у бошқа Европа давлатларидан ўзиб кетди.

Германия ҳақида айтадиган бўлсак, немисларда олий ирқ деган алдамчи ҳис пайдо бўлиб, кучли миллий ҳисга айлангач, Британия ва Франция билан Европа ва халқаро сиёсат борасида тортиша

бошлади. Натижада биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари бўлди. Бошқача айтганда немислардаги миллий ҳис тентаклик бўлиб, Германиянинг кучидан ҳам каттароқ эди. Яъни у тўғри йўналишда эмас эди. Натижада у бошқа халқлар туйғулари билан тўқнашди ва бардош бера олмай мағлубиятга учради. Бугун эса, Американинг кучли ва бойман, деган ҳисси уни олдинга ва халқаро ҳукмронликка ундаётганини кўриб турибмиз. Америка бугун ўзини баланд чўққида, деб ҳис қилмоқда. Лекин Хитойнинг иқтисоди ривожланмоқда ва юксак ўринни эгаллаши лозимлигини ҳис қилмоқда. Бу туйғу уни зулматли минтақадан чиқиб, халқаро майдонга аралашшига ундамоқда.

Бу мисоллардан очиқ кўриниб турибдики, бу халқларнинг жўшқин туйғулари уларни иқтисодий, сиёсий, саноат ва бошқа тармоқларни кучайтиришга ундамоқда. Қачон уларнинг армия ёки иқтисодга ўхшаган кучи пайдо бўлса, у ўз позициясини ўзгартириш ва рақобат қилиш учун курашга киришади.

Халқларнинг аҳволини кузатар эканмиз, ушбу ундовчи туйғуларни пайдо қиладиган турли ишлар мавжудлигини кўрамиз. Масалан, зулмни ҳис қилиш мазлум халқларни ўша зулмга барҳам беришга ва бунинг учун керакли усулларни танлашга ундайди. Илм-фан, тадқиқот ва саноат соҳаларида мумтоз муваффақиятга эришган етакчи халқ ва унинг бошқа халқлардан пешқадамлиги ҳамда бошқа халқлар шу соҳада унга мухтожлиги олдинга интилувчи ҳисни пайдо қиладиган ҳақиқатлардир. Йирик душман устидан урушда ғалаба қозонган миллатнинг ғалаба туйғуси уни олдинга ҳаракат қилишга ундайди. Бунга Совет иттифоқининг Гитлер устидан қилган ғалабаси мисол бўлади. Туйғуларни пайдо қиладиган ишлар турли тумандир. Бу ишлар баъзида катта бўладида, катта туйғуни пайдо қилади. Баъзида у кичкина бўлса, баъзида хос бўлади. Масалан океанлар билан ҳимояланган Америка океан ортидаги урушларда ўзини хавфсиз ҳис қилади. Бошқача айтганда уруш унинг юртига етиб бормади. Бу урушга ундовчи ва ўзига хос ишдир.

Лекин ушбу туйғулар гарчи бир қанча вақт давом этса-да, муваққат характердаги туйғулардир. Масалан адолатсизликдан пайдо бўлган туйғулар зулм кетгач йўқолади. Лекин давомийлик характердаги туйғулар ҳам бўлиб, улар фикр ва ақидадир. Фикр қанчалик юксак, ақида қанчалик теран бўлса туйғулар ҳам кучли бўлади ва миллатни олдинга ундайди. Агар фикр ҳаётнинг айрим жиҳатига хос жузъий бўлса, ундов ҳам жузъий бўлади. Агар фикр ва ақида барча соҳаларни ўз ичига олган, яъни мабда бўлса, ҳаётнинг барча соҳаларида юксалиш бўлади. Шунингдек миллатни олдинга ундайдиган кенг қамровли туйғуларни пайдо қилади.

Лекин мабда хато бўлиб, ҳақиқатларга зид келиши ҳам мумкин. Масалан социализм мулкка эгалик қилиш туйғусига зид келган бўлса, ҳаддан ташқари худбинликни пайдо қилган капитализм одамларни жарга қулатиб юборди. Чунки бундай мабда бошида янги бўлгани учун баландпарвоз туйғуларни пайдо қилади, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, у ўз таъсирини капитализм каби қисман ёки социализм каби бутунлай йўқотади.

Барча соҳаларни ўз ичига олган фикрга, бошқача айтганда барча муаммоларга ечим бера оладиган мабдага эга халқлар ўзини енгил ҳис қилиб, куч тўплаш ҳақида ўйлай бошлайди ҳамда унинг тафаккури самарали бўлади. Бу нарса уни юксалиш сари етаклайди ва ҳаётдаги интилиши ортади. Яъни, миллатдаги мабда таъсирига ҳамроҳ бўлган туйғулар олдинга ҳаракатлантирувчи куч ҳосил қилади. Мабданинг кучи, тўғрилиги ва ҳақиқатларга зид келмаслигига қараб куч ҳам таъсирли бўлади. Чунки мабданинг ҳис қилиб турилган ҳақиқатларга зид келиши ушбу мабда эгаларининг туйғуларини парчалайди ва уларни ичкаридан заифлаштиради. Сўнг бу заифлик умнатга кўчиб, унинг интилиши сўнади, натижада сояга ва кўпинча зулматга чўкади.

Аммо Исломда ундовчи қувват жуда кучлидир. Чунки бу куч оддий имонли қария ўзини жаннат эгаларидан бири, Америка президенти эса дўзах эгаларидан бири, шунинг учун мен ундан устунман деб ҳис қилишга ундайди. Шунингдек, Европадаги мусулмон ўқувчи ўзига дарс бераётган профессор кофир ва нажас бўлгани учун ундан ўзини устун, деб ҳис қилишга ундайди. Бу бошқаларга нисбатан айтилганда, аммо ўзига нисбатан айтадиган бўлсак, унда мусулмон ҳақ устида экани ва унинг ҳаёти Аллоҳ билан учрашгунча имтиҳон экани ҳақида ишонч бор. Шунингдек, унда Аллоҳ Таоло барча нарсани яратгани, у қудратли ва буюк экани, у бўл деб буйруқ қилса барча нарса бўлиши, у зот доим ўзи билан бирга экани ва ёрдам бериб, қўллаб туришлиги ҳақида хотиржамлик мавжуд. Бундан ташқари, унда доим Аллоҳ билан мустаҳкам алоқада бўлиши шартлиги ҳақида ишонч бор. У шунингдек, ким Аллоҳга яқин бўлса, бошқа нарсага муҳтож бўлмайди, дунёдаги бошқа кучларга суюнишга эҳтиёж сезмайди, деб билади.

Ислом ақидаси бир бутун ва баркамолдир. Мўмин одам буюк Аллоҳга ишонади ва қалби шоду хуррамда бўлади. Яъни у Аллоҳни эсласа юксак хурсандчилик ва хотиржамликни ҳис қилади. У қачон ўзи билан Аллоҳнинг бирга экани ҳақида фикрласа, бу дунёда унинг ишончи зиёдалашади. У билан бирга ҳақни гапирадиган ва ҳақиқатларга зид келмайдиган Аллоҳнинг китоби бор. Чунки тиббиёт қанча ривожланмасин Аллоҳ белгилаб қўйган ўлимга даво

топа олмади. Илм қанча ривожланмасин руҳнинг моҳиятини ўргана олмади, чунки Ислом руҳ ҳақида қадимдаёқ одамлар унинг илмини билмайди, деб белгилаб қўйган эди. Бугун ман қилинган жинсий алоқалардан пайдо бўлаётган касалликдан бутун олам даҳшатга тушаётган бўлса, Исломдаги тўрт аёлнинг эри ҳеч қандай касалликка чалинмайди. Бундан бошқа бир қанча ишлар борки, улар мўминни Қуръонга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Фақат бу эмас, балки дин фикрларини яхши англаган кишини Аллоҳнинг илми ёки Лавҳулмаҳфуз келажак ҳақида бош қотиришдан тўсмайди. Бу яна уни ўтмишда юз берган иш бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигини қабул қилишда тасалли беради.. Мусулмон одам у тўғри бажарган иши хато бўлмагани ва хато қилган иши тўғри бўлмаганига ишонади. Шунингдек, у ризқ бергувчи зот фақат Аллоҳ эканига ишонади. Шунинг учун у турли ишлар ва бозорларда ўзини қийнамайди, яъни оҳ-воҳ тортиб, ўзини ўтдан-чўққа урмайди. Яна у ҳаётига ҳеч қандай хатар йўқлиги ва Аллоҳ хоҳлаган нарсагина содир бўлишига ишонади ва ўлимдан қўрқмай қийинчиликларни енгиб ўтади. Али дан жанг майдонидаги журъатидан сўрашганда, у: Бизни ажалимиз ҳимоя қилади деб жавоб берган эди. Бу – ажал, ризқ, қазо, қиёмат ва Аллоҳга йўлиқишга бўлган имондан иборат ақидадир. Буларнинг барчаси инсонга таъсир ўтказувчи юксак фикрлардир. Бу қуруқ айтиб қўйиладиган гап эмас, аксинча унинг заифни кучайтирадиган ва тубанни саркарда қиладиган воқееси бор. Эслатиб ўтиш жоизки, кофирлар ушбу қувватнинг ҳақиқатини мусулмонларнинг жанглари ёки мўминларнинг айрим тасарруфотларида сезсаларда, биз айтаётган гапларни мўмин тушунганидек чуқур тушуна олишмайди ва мусулмонларнинг кучини нимада эканини билишмайди.

Онгли одам Ислом ақидаларини лўнда тадқиқ қиладиган бўлса бу ақидалар ўз ўзига бўлган ишончни ва кофирдан бўлган устунликни пайдо қилиши ҳамда қўрқув тўсиқларини олиб ташлашини билади. Агар имон мукаммал бўлса, қўрқув кетади. Бу қўрқув ҳаётга, ризққа, дунё мусибатларига, қийинчиликларга ва бошқасига бўладими фарқи йўқ. Биз фикрий изланиш орқали биламизки, ким ақидасида мустаҳкам бўлса, дин юклаётган йўлга ишонса, ақида унинг олдидаги барча тўсиқларни олиб ташлайди ва у олдинга қараб интилади. Бу ерда араб баҳорини эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак. Чунки барча таҳлилчилар араб халқлари қўрқув тўсиғини енгди деган эдилар. Ушбу тўсиқ олиб ташланган экан, имон уйғониб, олдинга ундовчи туйғулар пайдо бўлди. Бу туйғуларни ғафлатдан бошқа ҳеч нарса сўндиролмайди. Бу туйғулар жўшқин ва кучли бўлиб, фақат олдинга ундайди ва жамиятда эса намуна бўладиган кишилар бошқа оддий кишиларга

таъсир ўтказди. Натижада, барчалари кучли оқимга айланиб, иқтисод, давлат, қўшин ва чегараларни қурадилар. Шунингдек улар муваффақият қозониб, ушбу Уматни ўзига лойиқ мартабага олиб чиқадилар.

Одий араб қабилалари Форс ва Румни мағлуб қилган, юртларини фатҳ қилган, халқларини бошқарган кунда ҳамда чўпонлар дунё етакчисига айланган кунда шундай бўлган эди. Агар улар турса ер уларни тўхтатиш учун қалтирар ва ҳар қандай куч улар олдида синар эди. Аллоҳнинг изни билан бу нарса тез кунларда яна қайтади. Чунки Исломдаги ундовчи куч қадимдан бўлиб, у ўзгармаган. Бу куч бугун Исломий Уматни миллатлар орасидаги табиий ва юксак мақомига қайтаради. Бир шарт биланки, улар ғафлатдан узоқ ва уйғоқ ҳолатда ўзгартириш учун бел боғлаган сара гуруҳ бўлишлари лозим. Бу куч ғалаба соати келган пайтда ўн йиллар аввал ўлик бўлиб кўринган бу Уматни қайта тирилтириш учун уни Ислом ақидалари билан зарядлай олади. Ана ўшанда Уматда ўз динига бўлган юксак туйғулар пайдо бўлиб, олдинга қараб интилади. Исломдаги ушбу ундовчи куч икки тарафлама ягонадир; биринчидан, у чегара билмас қудратли куч билан туртиб ҳаракатга келтиради ва бошқа халқлар уни даф қилиш учун унга ўхшаган куч топа олмайди. Иккинчидан, унинг туртиши ҳаётнинг барча соҳаларини ўз ичига олади. Мусулмонлар бошқа халқлар ясаган қуроллар билан жанг қилмайдилар (бошланишда жанг қилиши мумкин) аксинча улар қуролларни ўз қўллари билан ясайдилар. Шунингдек, улар саноат, технология ва бошқаларда бошқа миллатга қарам бўлишни истамайдилар. Улар бу нарсаларни қисқа вақт ичида ўзлари ясайдилар. Аллоҳдан Ислом Уматини ғалаба билан сийлашини сўраб қоламиз. Шунда Умат буларнинг барчасига эришади ва душманлар унинг кучлилигини кўриб ҳайратга тушади. Бу эса Аллоҳнинг изни билан яқиндир.

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ تُوْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْ

ءَامَنَ أَهْلُ الْكِتَابِ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ مِّنْهُمْ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«(Эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз маъруфга буюриб, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар аҳли китоб ҳам имон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан мўминлари ҳам бор ва (лекин) уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир» [Оли Имрон 110] □

МУСУЛМОНЛАР ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ҚУЛАТИЛИШИ ОРТИДАН ПЕШҚАДАМЛИКНИ ЙЎҚОТДИЛАР

Муҳандис Холид Сарорий – Яман

Ҳозирги малай режимлар ҳукмронлиги остида яшаётган мусулмонлар аҳволини кузатган киши уларнинг сиёсат, иқтисод ва илм-фан соҳасида пешқадамлик мавқеидан қанчалик узоқлашганини яхши тушунади... Афсуски, айрим мусулмонлар Ислом Уммати бир пайтлар барча соҳаларда бутун дунёга етакчилик қилганини билмайди. Ўша йўқотилган буюклик бугунги кундаги Ғарбга малай, унга хорларча бўйсунган режимлар ҳукмронлиги остида ҳеч қачон қайта тикланмайди. Чунки бу режимларнинг ўз тахтларини сақлаб қолишдан бошқа ташвиши йўқ. Кофир Ғарб мусулмонлар қонини истаганча тўкиши, ери ва орномусини оёқ-ости қилиши, бойликларини хоҳлаганча талон-торож қилиши эвазига уларнинг тахтини ҳимоя қилишга ваъда берган. Дарҳақиқат, Исломий Халифалик асрлар давомида халқаро майдонда етакчилик қилиб келган эди. У мусулмонларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқарган ва халқаро масалаларда ҳал қилувчи сўзга эга бўлган.

Кофир мустамлакачи Ғарб Халифалик бугунги тараққиётга ҳамнафас бўлишга ҳамда мусулмонларни бошқаришга яроқсиз эски тузумдир, деган фикрни мусулмонлар онгига сингдиришни хоҳламоқда. У бунга Ғарб ҳазоратидан таъсирланган айрим малайларни ишга солиш ҳамда радио, телевидение ва газета каби оммавий ахборот воситаларини қўллаш ва ҳозирги малай режимларнинг қўллаб-қувватлови орқали тарғиб қилмоқда. Шунинг учун Ғарб Исломий Халифалик ҳақида гапирар экан, мусулмонларнинг тасаввурига қилич, туя ва хурмони келтиришни хоҳлайди. Турли дастур ва сериаллар эса, ҳақиқий Исломий Халифалик ҳақида ҳеч нарса кўрсатмайди. Агар унинг суратини кўрсатадиган бўлса, ҳар қандай тартиб ва низомдан холи ҳамда бугунги замондаги бошқарув низомига ярамайдиган эски низом сифатида кўрсатади. Сўнгра Ғарб ҳазоратидан таъсирланган ва барча ташвиқот қуролларига эга бўлган илмоний ахборот воситалари орқали мусулмонларни сохта Ғарб ҳазоратига қизиқтириш, уларнинг қалбида ўша ҳазоратга нисбатан муҳаббат уйғотиш ва бошқарув тузуми ва яшаш тарзини Ғарб ҳазоратидан олишга ундашга киришади. Улар мусулмонларни Исломий Халифаликни ҳозирги инқирозларининг ечими сифатида эсга олишдан узоқлаштириш учун кўп меҳнат қилдилар. Шунинг учун атайлаб ИШИД орқали Халифаликни бузиб кўрсатишга ҳамда

мусулмонлар Халифаликдан бош тортиши учун ИШИД амалга ошираётган қирғинбарот, бомбардимон ва ёндириш саҳналарини ёлғондан ва бўҳтон қилиб Исломиё Халифаликка ёпиштиришга ҳаракат қилишди.

Аслида мусулмонлар Исломиё Халифалик ушбу сохта тасвирдан узоқ эканини билишади. Дарҳақиқат, мусулмонлар илм, тиббиёт, инженерлик ва социология соҳаларида илғор бўлиб, шараф ва ҳимоя остида яшаб келдилар. Чунки Халифалик бугун кофир Ғарб тасвирлашга ҳаракат қилаётган қирғинбарот ва репрессиялар эмас, аксинча бутун дунёга фойда келтирган олим, муҳандис, ихтирочи ва кашфиётчиларни ўз бағрига олган муҳит яратди. Қуйида мусулмонларнинг Исломиё Халифалик ҳукмронлиги остида эришган ютуқларининг айримларини келтириб ўтамыз:

Мусулмонлар замонавий медианинг асосий таянчи бўлган камерани биринчи бўлиб ихтиро қилишди. Камера араб тилидаги قمرة сўзидан олинган бўлиб, қоронғи ёки махсус хона деган маънони англатади. Уни ихтиро қилган шахс математика, астрономия ва физика олими Ибн Ҳайсамдир.

Астроном, шоир ва муҳандис Аббос ибн Фирнас эса, ака-ука Райтлардан минг йил аввал учиш машинасини ишлаб чиқаришига асос солган. У юпка ёғоч (панерка)ни ўзининг чопони билан қоплаган ва у билан Қуртуба шаҳридаги меъзанадан сакраб, биринчи парвозни амалга оширган эди! Ушандан Ибн Фирнасинг чопони тарихдаги биринчи парашют ҳисобланади. Сўнгра ипакдан ва бургут патидан бўлган яна бир машина ихтиро қилди ва уни баланд тоғдан учираиб, ўн дақиқа ҳавода турди, сўнг қулади. Кейинчалик унинг қулаши сабаби учоғига дум қилмаганидан экани аниқ бўлди.

Мусулмонлар бугун биз фойдаланаётган совунни ихтиро қилишди. Улар совунга ўсимлик ёғи, натрий гидроксид ва тимьян ўсимлигидан олинган атир қўшишди. Айна пайтда мусулмонлар юртига бостириб келган салибчиларнинг таналаридан ўша давр мусулмонлари айтганидек жуда бадбўй ҳидлар келар эди. Шампун Англияга биринчи бўлиб мусулмон шахс томонидан келтирилган эди. Кейинчалик у қирол Жорж ва Уильям тўртинчининг саройига гигиена ишлари бўйича масъул бўлиб тайинланди.

Замонавий химия ихтирочиси мусулмон олим Жобир ибн Ҳайян шу кунларда ишлатиладиган дистиллаш, буғлатиш, дезинфекция ва оксидлаш қурилмаларини яшаш билан шуғулланди. У мис сульфатдан сульфат кислота бирикмаларини қандай ажратиб олишни аниқлади, нитрат ва хлорид кислоталарни ажратиб олишни ўрганди.

Механик ихтироларга келсак, мусулмон муҳандис Жазарий инсоният тарихидаги энг муҳим механик ихтироларни лойиҳалаштирди. У биринчи бўлиб клапан ва механик соатларни ихтиро қилди. Жазарий механизмларнинг отаси бўлиб, замонавий саноатнинг асоси бўлган ўзини ўзи бошқариш механизмини ихтиро қилди. Яна бир эшлашга лойиқ нарса шуки, Жазарий бугун сумка ва сейфларни қулфлашда ишлатилаётган рақамли қулфларни биринчи бўлиб ихтиро қилди.

Изоляция материалларини ҳам биринчи бўлиб мусулмонлар ихтиро қилишди. Улар яна бугун ҳарбийлар киядиган изоляция билан қопланган кийимларни ихтиро қилишди.

Қурилиш муҳандислиги соҳасида эса, мусулмон муҳандислар арка қурилишини биринчи бўлиб ихтиро қилишди. Кейинчалик Ғарб қурилиш инженерлигида бу соҳани мусулмонлардан ўрганишди. Агар Ислом муҳандислиги бўлмаганида Ғарбдаги жуда кўп қалъа, сарой ва улкан минораларни кўрмаган бўлардик.

Жарроҳликда эса, бугунги кунда жарроҳлик ва анатомияда ишлатиладиган барча воситалар Заҳровий томонидан ўнинчи асрда кашф қилинган. Бугунги кунда шифокорлар фойдаланаётган икки юзга яқин воситалар Заҳровий томонидан кашф қилинган. Заҳровий жарроҳлик операцияларида ишлатиладиган ва операциядан кейин жисмга сингиб кетадиган ипни биринчи бўлиб кашф қилган эди. Мусулмон олим Абу Бакр Розий жарроҳлик ипларини мушук ичагидан тайёрлаган эди. У ёзган Даволаш илми тўплами китоби ўрта асрларда Европада асосий манба сифатида фойдаланилган. Мусулмонлар ўн учинчи асрда яъни Гарвейдан уч юз йил аввал қон айланишини кашф қилишган, уни мусулмон олими Ибн Нафис топган. Мусулмонлар яна наркоз, яъни операциядан олдин ишлатиладиган тиббий наркотикни ихтиро қилишган. Улар наркоз олиш учун маст қилувчи ичимликни афюнга аралаштиришган эди.

Мусулмонлар яна маккажўхорини янчиш, шунингдек, суғориш ишларини амалга ошириш учун биринчилардан бўлиб шамол тегирмонини ихтиро қилишди. Европа эса, бу нарсани беш юз йилдан кейин билди. Тиббий эмлашни Франциялик Пастер эмас, балки мусулмонлар кашф қилишган. Уни Британиянинг Истанбулдаги элчисининг хотини 1724 йилда Европага олиб борган. Турклар европаликлардан эллик йил аввал ўз болаларини ўлимга олиб борадиган турли касалликларга қарши эмлашган.

Ҳатто авторучка масаласида ҳам мусулмонлар олдиндалар. Чунки Миср султони қўл ва кийимларни ифлос қилмайдиган авторучка ихтиро қилишга буюрган. Кейинчалик бугунги кунда бутун дунёда қўлланилаётган шарикли ручкалар ихтиро қилинди.

Арифметика соҳасида мусулмон олими Хоразмий алгебрага асос солди. Мусулмон олимлари уни кашф қилганидан уч юз йил ўтиб италиялик олим Фибоначчи уни Европага олиб келди. Афсуски, Фибоначчи Ғарбда алгебрани олиб келувчи эмас, аксинча кашф қилувчи шахс сифатида танилди.

Мусулмонлар тўқиш, тикиш ва гилам тўқишни биринчилардан бўлиб йўлга қўйишди. Айти пайтда Европадаги уйлар поллари очиқ ер ва ибтидоий даражада эди. Кейинчалик Европада гиламдан фойдаланиш яшин тезлигида тарқалиб кетди.

Инглизчадаги чек сўзи аслида арабча бўлиб, (صك) сўзидан олинган ва унинг маъноси товарни олганда пулини тўлаш учун гаров деганини англатади.

Мусулмонлар тўққизинчи асрда Бағдодда уларнинг номига ёзилган чекларга Хитойда нақд пул олар эдилар. Бошқача айтганда, мусулмонлар молиявий иқтисодга биринчи бўлиб асос солишган.

Географияда эса, мусулмон олими Ибн Ҳазм Галилейдан беш юз йил олдин ер айланадиган сайёра эканини кашф қилган. Араб астрономлари самовий жисмлар ҳаракатини ўта аниқлик билан ҳисоблаб чиқишган. Мусулмон олими Идрисий ўн иккинчи асрда Сицилия қироли Роджерга дунё мамлакатлари ва ҳудудлари чизилган глобусни тақдим этган. Мусулмон олимлари порохга калий қўшиб уни биринчи бўлиб ҳарбий мақсадда ишлатишган ва душман кемасига бориб урилганда портлайдиган ракета яратишган. Улар яна табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ва дам олиш учун боғларни лойиҳалаштиришган. Айти пайтда Ғарбликлар боғлардан фақат ўт-ўлан ва сабзавот етиштиришда фойдаланишган. Мусулмонлар бугунги кунда Европа боғларини безаб турган лола ва жасминларни биринчи бўлиб экканлар.

Мен ўқувчига малол келмаслиги учун ушбу мисоллар билан чекланаман ва булар денгиздан томчи холос. Мусулмон олимлар бу ютуқлар, ихтиролар ва кашфиётларни Исломиий Халифалик уларни тараққиёт ва ривожланиш учун зарур бўлган барча имконият, қўллаб-қувватлов, ҳимоя ва хавфсизлик билан таъминлаган пайтда Европалик ҳамкасбларидан юзлаган йиллар олдин тақдим этишди. Аммо бугунги малай давлатлар бошқаруви остида мусулмонлар танг аҳволда яшамоқдалар. Мана шу тарихий фактлардан кейин, Халифалик давлатини, Ғарб тасвирлашга уринаётганидек, бошларни кесадиغان ва тириклайин куйдирадиган давлат, деб хулоса чиқарсак бўладими? Жавоб шуки, Исломиий давлат ҳеч қачон бундай бўлган эмас. Аксинча, у қадимда Ғарбда унга ўхшаши бўлмаган тараққиёт, ривожланиш ва илғорлик рамзи бўлган. Ғарб буни мусулмонлардан кўра яхшироқ билади. Шунинг учун Ғарб уни

яна қайтишидан қўрқади ва имкониятидаги барча воситалардан фойдаланган ҳолда уни қайтишини олдини олишга ҳаракат қилади. Лекин у бу ишга қодир эмас, чунки ҳаводан гапирмайдиган зот уни қайтиши ҳақида башорат қилганлар. Ҳузайфа ибн Ямондан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«تَكُونُ النَّبُوءَةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوءَةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاضًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوءَةِ. ثُمَّ سَكَتَ.»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».
Аҳмад ривояти.

Аллоҳ Таолодан яқин кунларда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик давлати барпо этилиши билан бизни сийлашини сўраймиз. Аллоҳ бизни ўша давлатни барпо этишга ҳаракат қилувчилардан қилсин. Ушбу давлатни Ислому ва мусулмонлар учун уларнинг тортиб олинган ҳуқуқларини қайтариб олиб берадиган, уларни зулмдан ҳимоя қилиб, аввалги улуғликларига қайта кўтарадиган куч-қудратли, дахлсиз давлат қилсин. Мусулмонлар бу давлат соясида азиз ва мукаррам бўлиб яшасинлар. Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар, энг сўнгги пайғамбар ва тақводорлар имоми бўлган Росулulloҳга ҳамда у кишининг оиласи ва саҳобаларига дуои-саломлар бўлсин. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Трамп ҳамон президентлик лавозимига қайтишга интилмоқда		
<p>АҚШ собиқ президенти Доналд Трамп Жо Байден олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга кескин ҳужум қилди. У «Қўшма Штатлар Байден маъмурияти даврида вайрон бўлмоқда», деб билдирди. У шунингдек, «Биз бугун бу ерда тўпланиб турган пайтимизда, юртимиз вайрон бўлмоқда, жиноятчилик авж олмоқда, полиция бўлинмалари парчаланиб кетган ва уларга маблағ етишмаяпти», деди. Трамп демократларни президентлик сайловларини сохталаштиришда яна айблар экан, ўзини «демократияни қутқаришга ҳаракат қилаётганини» билдирди. У ўз маъмуриятининг Ироқ, Сурия, Сомали ва Афғонистондаги «ниҳоясиз урушларни тўхтатганлигини» айтди. Трамп шунингдек, 2024 йилда бўладиган президентлик сайловларида қатнашмоқчилигига ишора қилиб, у кунни орзиқиб кутаётганини билдирди. У маслаҳатчилари навбатдаги президентлик сайловлари кампаниясини уюштириш имкониятини кўриб чиқишаётганини ҳам айтиб ўтди. Трамп Хитойдан вирус туфайли Қўшма Штатларга, шунингдек, бутун дунёга триллион доллар товон тўлашни талаб қилди. У дунё давлатлари Пекиндан бўлган қарзларни тўлашдан бош тортиб, буни бекор қилишлари кераклигини айтди, шунингдек, ўз мамлакатини Хитойдан келадиган товарларга 100 % божхона тўловларини жорий қилишга чақирди. Трамп ўз мамлакати дучор бўлаётган кибер ҳужумларни «Қўшма Штатларга ва унинг раҳбариятига ҳурматсизлик», деб атади. У Байденнинг иқлим бўйича Париж келишувига қайтиш тўғрисидаги қарорини қоралаб, бу қарорнинг Қўшма Штатлар манфаатларига зидлигини, Хитой ва Россия манфаатларига хизмат қилишини айтди. Унга кўра, бу келишув Қўшма Штатларга йилига триллионлаб долларга тушади. Трамп, шунингдек, Байденни Россияга «Шимолий оқим-2» қурилишини якунлашга рухсат берганликда айблади. У шунингдек, «Бугун хитойлик музокарачилар ва Россия президенти Путин Байденнинг устидан очиқ кулишмоқда. Улар уни масхара қилиб, мамлакатимизни ҳақорат қилишмоқда», деди.</p> <p>Ал-Ваъй: Трамп АҚШнинг ички ва ташқи сиёсатида таранглик ва келишмовчиликлар келтириб чиқараётган фигуралардан бири ҳисобланади. У бир оз халқ базасига эга бўлгани боис, Республикачилар партиясига керак. Бундан ташқари, Трампнинг ички ва ташқи сиёсатда экстремистик позицияда туриши ҳам Республикачилар сиёсатида уйғун келади. Чунки уларнинг халқаро сиёсатида авторитаризмга мойиллик устунлик қилади. Шунинг учун</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
агар Трамп республикачиларнинг уни номзод қилиб кўрсатишларига эриша олса, унинг ғалаба қилиши дунё учун энг хатарли глобал воқеа бўлиши мумкин.		
Хитой Покистонда хитойлик ишчилар кетаётган автобус портлашини «ҳужум» деб атаб, буни ўрганиш учун терговчиларни юборди		
<p>2021 йил 17 июнда Хитой тўрт кун олдин Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмида хитойлик ишчиларни олиб кетаётган автобуснинг портлашини «ҳужум» деб ҳисоблаб кескин қоралади. Бу портлашда камида 12 киши ўлган бўлиб, уларнинг тўққизтаси хитойликдир. Автобусда Хайбер-Пахтунхва провинциясидаги «Дасу» тўғонини қуриш лойиҳасида ишлайдиган қирққа яқин хитойлик муҳандислар, геодезия мутахассислари ва механик хизмат кўрсатувчи ишчилар бўлган. Айти пайтда, Исломобод «газ сизиб чиқиши» оқибатида «техник ҳалокат» юз берганини айтмоқда. Хитой жамоат хавфсизлиги вазири Чжао Кечжи покистонлик ҳамкасби билан бирга берган баёнотидан кейин «ҳақиқатни аниқлаш учун Хитой ва Покистон биргаликда ишлашини» айтди. У Пекиннинг «терговга ёрдам бериш учун воқеа жойига техник экспертларни юборганини» таъкидлади ва Покистонни «чегараларни ёпишга» ҳамда мамлакатдаги Хитой фуқаролари хавфсизлигини кучайтиришга чақирди. Баёнотда таъкидланишича, Хитой раҳбари Си Цзиньпин «муҳим кўрсатмалар» берган. Маълум бўлишича, Пекин сўнгги йилларда ушбу мамлакатга миллиардлаб доллар сармоя киритган. Апрель ойида Балужистон провинцияси пойтахти (ғарбий) Кветтадаги дабдабали меҳмонхонага уюштирилган худкушлик ҳужумини Покистон Толибони зиммасига олган эди. Бу меҳмонхонада Хитой элчиси бўлган ва у бу ҳужумда жароҳат олмаган.</p> <p>Кўриниб турибдики, Америка Афғонистондан чиқиб кетганидан кейин, бу минтақа, у режалаштирганидек, Хитой билан бўладиган навбатдаги кураш майдонига айланади.</p>		
Америка хакерларнинг кимлигини фош этган кишига 10 миллион доллар таклиф қилди		
<p>АҚШ давлат департаментига қарашли «Адолат учун мукофотлар» дастури ўзининг твиттердаги саҳифасида кибер операцияларни амалга ошираётган хакерларнинг кимлигини фош этувчи маълумотлар эвазига 10 миллион доллар миқдорда мукофот эълон қилди. Чунки бу хакерлар АҚШ федерал қонунини бузган ҳолда, чет давлатлар фойдаси учун компьютер программаларини бузиб кириш ва шифрловчи вируслар ҳужуми каби Қўшма Штатлар</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>инфратузилмаси нишонга олинган кибер операцияларни амалга оширишмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидаги юзлаб компаниялар нишонга олинган товламачилик операциялари ортида турган бу хакерлар гаровга олинган маълумотларни қайтариш учун 70 миллион доллар талаб қилишган. Бу талаб одатда кибержиноятчиларнинг «REvil тўдаси» фойдаланадиган «Даркнет» тармоғига жойлаштирилган. «REvil дунёда энг кўп товламачилик билан шуғулланадиган ва Россияга алоқадор бўлган хакерлар тўдасидир.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бугунги кунда дунёнинг трансчегаравий ва ҳеч қандай назорат ўрнатилмаган тараққиётга юз тутганини ҳамда ҳеч қандай қадриятга эга бўлмаган давлатлар ва оқилона иш тутишдан кўра кўпроқ телбалик ва жиноятга мойил бўлган кишиларнинг исканжасида қолганини мулоҳаза қилган киши дунё устидан барча нарсаларга рухсат берилган муҳит ҳукмронлик қилаётганини кўради. Чунки ҳозирда на бир риюя қилинадиган чегара ва на дахлсиз бўлган нарса қолди.</p>		
<p>Хитой уйғурларни репрессия қилгани учун АҚШ сенати Шинжон маҳсулотлари импортини тақиқлади</p>		
<p>АҚШ Сенати 2021 йил 14 июлда Демократлар партияси билан Республикачилар партияси томонидан тайёрланган ҳамда Хитойнинг Шинжон минтақасидан ҳар қандай маҳсулотни олиб киришни тақиқловчи қонунни бир овоздан маъқуллади. Шу тариқа Вашингтон Пекинни уйғурлар ва бошқа мусулмон гуруҳларга қарши давом эттираётган геноциди учун жазоламоқчи. Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Хитойни 11 миллионга яқин уйғур мусулмонларни Шинжондаги қамоқ лагерларида 2017 йилдан буён сақлаб келаётганликда айблаб келади. Хитой эса, бунини кескин рад этиб, бу лагерларнинг «таълим марказлари» эканини ҳамда бу марказни очишдан мақсад, бир қанча уйғурларнинг юрт фуқароларига қарши қонли ҳужумларни содир этиши ортидан аҳолини диний экстремизм ва сепаратизмдан узоқда сақлаш эканини даъво қилиб келади. Байден шунингдек, 2020 йил июл ойидаги конгресснинг кўп овозли қонун лойиҳаси собиқ президент Трамп томонидан имзоланганини қўллаб-қувватлади. Маълумки, бу қонун лойиҳаси уйғурларни таъқиб қилишда иштирок этган ҳар қандай хитойлик амалдорга қарши санкциялар қўллашга рухсат беради.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Афтидан, Америка Хитойга қарши курашиш ва уни ички муаммолар билан банд қилиб қўйиш сиёсатига ўтган кўринади. Бундан мақсади, Хитойни изоляция қилиш ҳамда ташқи жиҳатдан кенгайиб, Америка билан халқаро майдонда</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>рақобатлашадиган давлатга айланишини олдини олишдир. У Афғонистонда бўладими ёки Туркистондами ҳеч бир фарқсиз мусулмонларни Хитой билан душманлик ҳолатига олиб киришни истамоқда. Агар у шундай қилаётган бўлса, ҳозирдан уйғурларни қуроллантириши, уларни Хитойга қарши қўзғаш ва қирғин қуроллари билан уларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Бундан мақсад, албатта мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун эмас, балки, Хитойни ҳолдан тойдириш учундир. Агар бу сўз ўз тасдиқини топса, Россияга қарши қўлланган Афғонистон сценарийси Хитойга қарши ҳам такрорланишини кўраимиз. Шунда биз Кўрфаз давлатларининг зулмга учраган уйғур мусулмонларга ёрдам кўрсатишга шовилганига гувоҳ бўламиз. Албатта бу динга ёрдам кўрсатиш учун эмас, балки, бундан олдин Афғонистон, Босния, Герцеговина ва Косовада бўлгани каби Америкага ёрдам кўрсатиш учундир. Сўнгги пайтларда Сурияда юз берган воқеалар ҳам биздан йироқ эмас (ҳали ёдимиздан кўтарилмади).</p>		
<p align="center">Италиялик дипломат: Ливан қашшоқ давлатга айланди... Дунё уни қутқариш учун қачон аралашади?</p>		
<p>Италиянинг Ироқдаги собиқ элчиси Марко Карнелос Middle East Eye веб-сайтида берилган мақоласида Ливаннинг аллақачон қашшоқ давлатга айланиб бўлгани ҳақида ёзди. Мақолада Марко бундай деди: «Францияни истисно қилиб айтадиган бўлсак, G7 давлатларининг Ливан кризисини ҳал қилишларидан умид узилган. Зеро Жаҳон Банки Ливандаги бундай иқтисодий кризисни 19 асрдан буён дунё миқёсида юз берган учта энг катта кризис қаторига қўшиши мумкинлигини маълум қилди... Ҳозирда қулашдан ҳам ёмонроқ бошқа даврлар бор, афтидан, Ливан ўша тарафга қараб кетаётганга ўхшайди». Марко Ливандаги давлатнинг бутунлай қулашининг оғир оқибатларидан огоҳлантирди. Унга кўра, унинг оқибатларини олдиндан айтиш қийин. Шунингдек, давлатнинг бутунлай қулаши Ливан армиясининг қулашига олиб келиши мумкинлигидан ва бу ҳолат майдонни Ҳизбуллоҳга бўш қолдиришидан ҳам огоҳлантирди. Унинг айтишича, давлатнинг бутунлай муваффақиятсизликка учраши Ливандаги асосий тоифаларнинг бўлиниб кетишига олиб келиб, Ливанни навбатдаги фуқаролар урушига олиб кириши ҳам мумкин. Унинг фикрича, агар Ливан қуласа, унинг олдиндан айтиш қийин бўлган оқибати қўшни давлатлар учун, айниқса, (Исроил) учун оғир бўлади. У – «қасддан уюштирилувчи тартибсизликни» орзу қилаётган баъзи ғарблик ва регионал маслаҳатчилар Ливан қулашининг эҳтимолли оқибатлари ҳақида ўйлаб кўришлари керак, деди. Италиялик дипломат</p>		

Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишини чақириб, инқирозни муҳокама қилишга ҳамда БМТ уставининг еттинчи бўлимига мувофиқ бу тўғрида (ҳарбий аралашув) қарорини қабул қилишга чақирди.

Ал-Ваъй: Ливанни қутқариш учун халқаро аралашувга чақирган италиялик дипломатга айтамизки, Ливан айна шу чет элликлар аралашуви туфайли шу ҳолга етиб келди. Унинг пайдо бўлишидан бошлаб, у ерда тоифачиликни кучайтириш, Ливан халқи устидан мажбуран раҳбарларни тайин этиш ва уни ташқи судхўрлик қарзларига ботириш каби барча муаммоларнинг сабабчиси чет элликлар аралашувидир. Биз у қўйган талабларнинг аксини айтамиз: халқаро ҳамжамият Ливан ва минтақа давлатларининг ишларига аралашини тўхтатиши ҳамда ўз тақдирини белгилашни ўзларига қолдириши керак. Зеро, улар Ливанни ўзининг аслига қайтаришни, яъни уни бирлашган исломий давлатнинг бир қисмига айлантиришни ҳамда шариат бошқарувига қайтаришни истайдилар. Ёлғиз шу йўл билангина Ливан ва бутун минтақа халқаро ҳамжамиятнинг ёмонликларига барҳам беради. □

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَن يَرْتَدَّ مِنكُم مِّن دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ

وَيُحِبُّونَهُ﴾

«Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар»

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَن يَرْتَدَّ مِنكُم مِّن دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ ۗ
أَذَلَّةٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى الْكَافِرِينَ يُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَائِمٍ ذَلِكَ
فَضَّلَ اللَّهُ يَوْمَئِذٍ مَنِ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٥٤﴾ إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا
الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ ﴿٥٥﴾ وَمَن يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ
ءَامَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ﴾

«54. Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга хоксор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Узи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир. 55. Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўкис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир. 56. Кимки Аллоҳни, унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса, (нажот топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир»

[Моида 54-56]

Аллоҳ Таоло ўзининг буюк қудратидан хабар берар экан, ким У Зотнинг динига ёрдам бериш ва шариатини барпо этишдан юз ўгирса, ундан кўра яхшироқ, кучли ва ҳаққонийроқ кишиларни келтиришини айтяпти.

﴿وَإِن تَتَوَلَّوْا يَسْتَبْدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُونُوا أَمْثَلَكُمْ﴾

«Агар сизлар (Аллоҳга итоат этишдан) юз ўгириб кетсангизлар, У зот (ўрнингизга) сизлардан бошқа бир қавми алмаштириб қўюр» [Муҳаммад 38]

﴿إِنْ يَشَأْ يُذْهِبْكُمْ أَيُّهَا النَّاسُ وَيَأْتِ بِآخَرِينَ﴾

«Агар хоҳласа, эй одамлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтирур. Аллоҳ бунга қодир бўлган зотдир» [Нисо 133]

﴿إِنْ يَشَأْ يُذْهِبْكُمْ وَيَأْتِ بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿۱۳۳﴾ وَمَا ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ بِعَزِيزٍ﴾

«Агар У зот хоҳласа сизларни кетказиб, (ўрнингизга ўзгаларни) янгитдан яратур. Бу (иш) Аллоҳ учун қийин эмасдир» [Иброҳим 19-20]

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا مَن يَرْتَدَّ مِنكُمْ عَن دِينِهِ﴾

(Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса). Муҳаммад ибн Каъб бу оят Қурайш етакчилари ҳақида нозил бўлган дейди. Ҳасан Басрий эса, бу оят Абу Бакр давридаги муртадлар ҳақида нозил бўлган, чунки Аллоҳ:

﴿فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهُ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ﴾

(Аллоҳ бошқа бир қавми келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар), деяпти. Бу Абу Бакр ва унинг саҳобаларидир. Ибн Абу Хотим ривояти.

﴿أَذِلَّةٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى الْكَافِرِينَ﴾

(Мўминларга хоксор, кофирларга эса қаттиққўл), дегани ўз дўстлари ва биродарларига тавозеъли ва душманларига қаттиққўл деганидир.

﴿مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ﴾

«Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар» [Фатҳ 29]

Росулуллоҳ ﷺнинг:

«الضُّحُوكُ الْقَتَالِ»

«Ҳам кулувчи, ҳам ўлдирувчидирман», деган сўзининг маъноси дўстларни кўрганда кулиб хурсанд бўладиган, душманларни эса ўлдирадиган, деганидир. Аллоҳ Таолонинг:

﴿يُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَائِمٍ﴾

(Бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай, Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир), оятининг маъноси эса, уларнинг маломат қилишлари мўминларни Аллоҳга итоат қилиш,

душманларини ўлдириш, ҳадларни жорий қилиш, маъруфга буюриб мункардан қайтаришдан тўса олмайди, деганидир. Шунингдек, бирор рад этувчи, тўсувчи ва маломат қилувчи уларни тўса олмайди деганидир.

Имом Аҳмад Абу Зарнинг бундай деб айтганини ривоят қилади: Ҳабибим ﷺ мени еттита нарсага буюрдилар: 1. Мискинларни яхши кўриш, уларга яқин бўлиш. 2. Ўзимдан пастдан ибрат олиш, ўзимдан юқори кишига қарамаслик. 3. Гарчи қариндошларим алоқани узсаларда улар билан қариндошликни боғлаш. 4. Бирортасидан бирор нарса сўрамаслик. 5. Аччиқ бўлса-да ҳақни гапириш. 6. Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаслик. 7. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ калимасини кўп айтиш. Чунки булар арш остидаги хазиналардандир.

Имом Аҳмад Абу Зарнинг яна бундай деб айтганини ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ мен билан беш нарса устида байъатлашиб, етти нарсани шарт қилдилар... Мен Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасликка байъат бердим. Абу Зар айтади: Росулulloҳ ﷺ мени чақириб: **«Менга байъат бериб, жаннатга киришни истайсанми?»**, дедилар. Шунда мен ҳа дедимда, қўлимни узатдим. Росулulloҳ ﷺ: **«Одамлардан ҳеч нарса сўрамайсан»**, деб шарт қўйдилар, шунда мен хўп, дедим. Росулulloҳ ﷺ **«Ҳатто қамчинг тушиб кетса ҳам уни олиб беришни сўрамайсан**, (яъни ўзинг тушиб уни оласан)», дедилар.

Имом Аҳмад Абу Саид Худрийдан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«أَلَا لَا يَمْنَعَنَّ أَحَدَكُمْ رَهْبَةُ النَّاسِ أَنْ يَقُولَ بِحَقِّ إِذَا رَأَهُ أَوْ شَهِدَهُ، فَإِنَّهُ لَا يَقْرَبُ مِنْ أَجْلِ، وَلَا يُبَاعِدُ مِنْ رِزْقٍ أَنْ يَقُولَ بِحَقِّ وَأَنْ يُذَكَّرَ بِعَظِيمٍ»

«Одамлардан қўрқиш ҳақни кўрган ёки унга гувоҳ бўлган пайтда бирортангизни ҳақни айтишдан тўсиб қўямасин. Чунки ҳақни айтиш ва Азим зотни эслатиш ажални ҳам яқинлаштирмайди, ризқни ҳам узоқлаштирмайди».

Имом Аҳмад яна Абу Саид Худрийдан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«لَا يَحْقِرَنَّ أَحَدُكُمْ نَفْسَهُ أَنْ يَرَى أَمْرًا لِلَّهِ فِيهِ مَقَالٌ فَلَا يَقُولُ فِيهِ، فَيُقَالُ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: مَا مَنَعَكَ أَنْ تَكُونَ قُلْتِ فِي كَذَا وَكَذَا؟ فَيَقُولُ: مَخَافَةَ النَّاسِ، فَيُقَالُ: إِيَّايَ كُنْتَ أَحَقَّ أَنْ تَخَافَ»

«Сизлардан бирортангиз Исломга қарши бирор ишни кўриб, у ҳақда сукут сақлаши оқибатида ўзини хорламасин. Чунки қиёмат куни унга сени шундай ва бундай деб айтишдан нима қайтарди дейилади. Шунда у одамлардан қўрқдим деса, мендан қўрқининг лозим эди дейилади».

Имом Аҳмад ва ибн Можжа Абу Саид Худрийдан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ لَيَسْأَلُ الْعَبْدَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، حَتَّىٰ إِنَّهُ لَيَسْأَلُهُ يَقُولُ لَهُ: أَيُّ عَبْدِي، رَأَيْتَ مُنْكَرًا فَلَمْ تُنْكَرْهُ؟ فَإِذَا لَقِيَ اللَّهَ عَبْدًا حُجَّتَهُ، قَالَ: أَيُّ رَبِّ، وَثَقَّتْ بِكَ وَخَفْتُ النَّاسَ»

«Албатта Аллоҳ Таоло қиёмат куни ўз бандасидан барча нарсалар ҳақида сўрайди. Ҳатто эй бандам, нега мункарни кўриб қайтармадинг, деб сўрайди. Шунда агар Аллоҳ бандани ҳужжат келтиришга лойиқ қилиб қўйса, банда: эй Парвардигор, сенга ишондим, лекин одамлардан қўрқдим, дейди». Саҳиҳ тўпلامда шундай келган:

«لَا يَنْبَغِي لِلْمُؤْمِنِ أَنْ يُذَلَّ نَفْسَهُ»

«Мўмин киши ўзини хорлаши мумкин эмас», шунда саҳобалар эй Аллоҳнинг Росули қандай қилиб ўзини хорлайди? – деб сўрашган эди. Росулulloҳ ﷺ:

«يَتَحَمَّلُ مِنَ الْبَلَاءِ لِمَا لَا يُطِيقُ»

«Ўзи тоқат қила олмайдиган балони зиммасига олади», деб жавоб бердилар.

﴿ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ﴾

(Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ўзи хоҳлаган кишиларга берур), оятининг маъноси, ким ушбу сифат билан сифатланса, у Аллоҳнинг фазли ва тавфиқи деганидир.

﴿وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

(Аллоҳ фазлу карами кенг, билгувчидир), оятининг маъноси эса фазли кенг ҳамда ким шунга ҳақли ва ким ҳақли эмаслигини билади деганидир.

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

(Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва мўминлардир), оятининг маъноси эса яҳудийлар сизларнинг дўстингиз эмас, балки Аллоҳ сизларнинг дўстингиздир деганидир.

﴿وَالَّذِينَ ءَامَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾

(Таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир), оятининг маъноси шуки, ушбу сифат билан сифатланган мўминлар Исломнинг энг катта рукни намозни ўқийдилар ва махлуқларнинг ҳаққи бўлган закотни берадилар ҳамда заиф ва мискинлардан иборат муҳтожларга ёрдам берадилар.

﴿وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾

(Таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида), оятининг маъноси шуки, кўпчилик уни

﴿وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ﴾

оятига жумлаи ҳолия бўляпти дейишади. Яъни таъзим қилган ҳолларида закотни ато этади, дейишади. Агар шундай бўлса, руку қилган ҳолда закот ато этиш афзал бўлиб қолган бўлар эди. Бу масала биз таниган фатво аҳлларида бирининг фикри бўйича бундай эмас. Ҳатто айримлар бу ҳақда Али ибн Абу Толибдан ривоят келтириб айтишадики: Бу Али عليه السلام ҳақида тушган, чунки бир куни руку қилиб турган пайтда олдидан бир тиланчи ўтиб қолди, Али عليه السلام унга узугини берди. (Шу маънода бир неча ривоятлар келган, лекин уларнинг санади заиф ва кишилари аниқ бўлмагани учун саҳиҳ эмас дейилган). Суддий айтади: Ушбу оят барча мўминлар ҳақида нозил бўлган, лекин Али عليه السلام руку қилган ҳолда турганида тиланчи келган ва у киши тиланчига узугини берган. Али ибн Абу Талҳа Волибий Ибн Аббосдан шундай ривоят қилади: Ким Исломни қабул қилса, Аллоҳ, росули ва мўминларни дўст тутибди. Ибн Жарир ривояти.

Биз келтириб ўтган ҳадисларда келишича, ушбу оят Уббода ибн Сомит яҳудийлар билан тузган келишувдан бош тортиб, Аллоҳ, Росули ва мўминларга нисбатан дўстликка рози бўлганидан кейин у ҳақида нозил бўлганига ишора бор. Шунинг учун Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كَتَبَ اللَّهُ لَأَغْلِبَنَّ أَنَا وَرُسُلِي إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿١٠٠﴾ لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ
أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِّنْهُ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ أُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ
الْمُفْلِحُونَ﴾

«Аллоҳ (Лавҳулмаҳфузга): «Шак-шубҳасиз Мен Ўз пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўлурман», деб ёзиб қўйгандир. Албатта Аллоҳ кучли, қудратлидир. Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оғанилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да, дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг

дилларига (Аллоҳ) имонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Рух-Қуръон билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам (Аллоҳдан — У зот берган ажр-мукофотлардан) рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг ҳизби (бўлган зотларгина) нажот топгувчидирлар!» [Мужодала 21-22]

﴿وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ﴾

(Кимки Аллоҳни, унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса, (нажот топгай). Зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир).

Ким Аллоҳ, Росули ва мўминларни дўст тутса, дунёю охирада нажот топади ва ёрдам берилади, дегандир. □

МУСУЛМОНЛАРГА ЮКЛАНГАН ШАРЪИЙ АҲКОМЛАРДА ЕНГИЛЛИК БОР (1)

Барча нарсалардан хабардор ва билимдон бўлган Аллоҳ инсон учун унга мос келувчи аҳкомларни шариат қилиб белгилаб берди. Аллоҳ инсонга нимани юклаган бўлса, бу у учун раҳматдир ва унда енгиллик бор.

﴿وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ﴾

«Аллоҳ бу динда сизларга бирон хараж-танглик қилмади» [Ҳаж 78]

Бу шуни англатадики, шариат фақат Аллоҳ тарафидандир ва мусулмон киши Аллоҳ юклаган нарсада нафсини қаттиқ қийнамаслиги ва тоқатидан ортиқча нарсани ўзига юкламаслиги керак. Чунки инсоннинг тоқатидан ортиқча нарсани ўзига юклаши шариатни бутунлай ташлаб юборишга олиб келади. Мусулмон киши ўз хоҳиши билан ҳамда итоат ва бўйсунуш орқали ибодат қилиши учун, уни мана шу йўналишга соладиган, унинг имони ва итоаткорлигини кучайтирадиган бир қанча ҳадислар келган. Қуйида ўша ҳадисларга тўхталиб ўтамыз:

– Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ бундай дейдилар:

«مَنْ مَرَّ فِي شَيْءٍ مِنْ مَسَاجِدِنَا أَوْ أَسْوَاقِنَا بِنَبْلٍ، فَلْيَأْخُذْ عَلَي نَصَاهَا، لَا يَغْفِرُ بِكَفِّهِ»

﴿مُسْلِمًا﴾

«Кимки бизнинг masjidларимиз ёки бозорларимиздан ўқ олиб ўтса, бирор мусулмонга жароҳат етказиб қўймаслиги учун унинг тиғини кафти билан ушлаб олсин». Бухорий ривояти.

Ҳадисдаги نبل ўткир тиғли ўқ бўлиб, мусулмон киши унинг тиғини қўли ёки уни тўсадиган бирор восита билан ушлаб олиши вожибдир. Яъни ўтаётган вақтда эҳтиёт бўлиб, бирортасини жароҳатлаб қўйишдан сақланиши лозим. Бу ҳадис Росулуллоҳ ﷺнинг мўминларга нисбатан яхши муносабати ва раҳмдиллигини баён қилмоқда. Яна у озми ёки

кўпми бундан қатъий назар муслмоннинг қонини тўкиш ҳаромлигини баён қилмоқда. Шунингдек ҳадис қурол кўтариш одоблари ҳамда қуролли киши бирортасига зарар етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлишини баён қилмоқда.

– Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ لِلنَّاسِ، فَلْيُخَفِّفْ؛ فَإِنَّ مِنْهُمْ الضَّعِيفَ وَالسَّقِيمَ وَالْكَبِيرَ، وَإِذَا صَلَّى

أَحَدُكُمْ لِنَفْسِهِ فَلْيُطَوِّلْ مَا شَاءَ»

«Агар бирортангиз одамларга намозда имомлик қилса, намозни енгил ўқисин. Чунки уларнинг орасида заифлар, касаллар ва кексалар бор. Агар намозни ёлғиз ўқиса, хоҳлаганича узоқ ўқийверсин». Бухорий ривояти.

Пайғамбар ﷺ саҳобалари ва Уммати учун энг яхши муаллим ва мураббий бўлган эдилар. У киши одамлар учун дин ва дунё ишларида уларга мос келадиган нарсаларни танлар эди. У кишининг енгил қилинг, деган сўзининг маъноси намознинг тўғрилигини сақлаган ҳолда қироат, руку ва саждаларда енгиллик қилинг деганидир. Енгиллатиш ҳақидаги буйруқнинг илллати улар орасида заиф, касал, ёши улуг, эҳтиёжманд ва шу каби узри борлар мавжудлигидир. Шу каби инсонлар намознинг узоқ ўқилишига тоқат қила олмайдилар... Аммо Пайғамбаримизнинг:

«وَإِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ مُنْفَرِدًا فَلْيُطَوِّلْ مَا شَاءَ»

«Агар намозни ёлғиз ўқиса, хоҳлаганича узоқ ўқийверсин», деган ҳадиси эса банда олдида ибодат ёки ҳар қандай итоат ишларида ижтиҳод эшиги очилиши учундир. Чунки банда кучи нимага етишини ўзи яхши билади...

– Оиша رضي الله عنها айтади: «Росулulloҳ ﷺ бир амални ўзи қилишни яхши кўрса-да, одамлар унга амал қилиб, уларга фарз бўлиб қолишидан кўрқиб, уни тарк этар эдилар. Росулulloҳ ﷺ ҳеч қачон зуҳо намозини ўқиган эмас, мен эса ўқир эдим». Бухорий ривояти.

Оиша رضي الله عنهاнинг Росулulloҳ ﷺ бирор амални одамлар унга амал қилишидан кўрқиб, тарк этардилар деган гапининг маъноси шуки, муслмонлар (амал қилишда) у кишига эргашиб, бу амал фарз қилинди деган гумонга бориб қолмасликлари ҳамда унга амал қилиш қийинчилик туғдириб,

улар унга қодир бўлмай қолмасликлари учун унга ошкора амал қилишни тарк этардилар. Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«أَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى، أَدْوَمُهَا وَإِنْ قَلَّ»

«Аллоҳ Таоло учун энг суюкли амал – гарчи оз бўлса да – давомли бўлган амалдир». Оиша رضي الله عنها нинг: «Зуҳо намозини ҳеч қачон ўқимаганлар», деган сўзининг маъноси шуки, зуҳо нафл намози бўлиб, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم уни ҳеч қачон ўқимаган деяпти. Сўнгра шундай бўлишига қарамай, мен доим уни ўқир эдим, деб хабар бермоқда. Чунки эҳтимол Пайғамбар صلى الله عليه وسلم бу амалга тарғиб қилгандирлар. Ўзлари эса, одамлар уни вожиб деб гумон қилмасликлари учун уни тарк этгандирлар. Аммо Оиша رضي الله عنها нинг «Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم зуҳо намозини ўқимаганлар», деб айтиши Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم уни давомий ўқимаганидан бўлса керак. Шундай экан, бу ердаги қайтарув унга амал қилишдан эмас, аксинча давомли қилишдан қайтариш бўлса керак. Имом Муслим Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилган ҳадисда мўминлар онаси айтади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي الصُّحَى أَرْبَعًا، وَيَزِيدُ مَا شَاءَ اللَّهُ»

«Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم зуҳони тўрт ракатдан ўқир ва Аллоҳ хоҳлаганда ундан ҳам зиёда қилар эдилар». Шунингдек, икки саҳихда ривоят қилинганидек, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Абу Ҳурайрага зуҳони ўқишни васият қилганлар. Муслимнинг саҳих тўпламида Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Абу Дардога зуҳо намозини ўқишни васият қилганлар... Юқоридаги ҳадисда эса, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг ўз Умматига бўлган раҳмдиллиги ва шафқати акс этиб турибди.

– Оиша رضي الله عنها айтади: Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم уларга раҳм қилиб, рўзани улаб тутишдан қайтардилар. Шунда саҳобалар сиз уни улаб тутяпсиз-ку? – деб сўрашган эди, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم:

«إِنِّي لَسْتُ كَهَيْئَتِكُمْ؛ إِنِّي آيِسْتُ يُطْعَمُنِي رَبِّي وَيَسْقِينِي»

«Мен сизларга ўхшамайман. Мен ухлаганимда Роббим мени таомлантириб, суғориб туради», деб жавоб қилдилар. Муттафақун алайҳ. Ҳадиснинг маъноси менга овқат еган ва ичимлик ичган кишининг қувватини беради деганидир.

Ҳадисдаги «**рўзани улаб тутиш**» сўзининг маъноси инсон икки ёки ундан ҳам кўпроқ кун рўзани ифторсиз улаб тутиши,

яъни икки ёки уч ёки ундан ҳам кўпроқ кечаю кундуз ифторсиз рўза тутишидир. Росулulloҳ ﷺ уларни мана шундан қайтардилар. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺ ўзини Умматидаги шахслардан ўзгача экани ва ухлаганда Роббиси таомлантириб ва суғориб туришини айтдилар. Бунинг маъноси шуки, Росулulloҳ ﷺ тунда таҳажжуд ўқиганлар, Роббисини ёдга олиб каломини қироат қилганлар. Шунинг учун еб-ичишга эҳтиёж сезмаганлар. Чунки агар инсон бир иш билан, айниқса, ўзи яхши кўрган иш билан машғул бўлса еб-ичишни унутади. Бу худди илм олишга қаттиқ берилган талабага ўхшайди, чунки у эрталабдан кечгача китоб мутолаа қилиб, еб-ичиш ҳамда нонушта ва тушлик қилишни, ҳатто ухлашни унутади. Шунингдек, дунёга қаттиқ берилган ва унга тўймайдиган киши ҳам доим ҳисоб-китоб қилиб, еб-ичишни унутади. Инсон ўзи шундай яхши кўрган нарсаси билан машғул бўлса, барча нарсани унутади. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ айтдилар:

«إِنِّي أَيْتُ عِنْدَ رَبِّي يُطْعِمُنِي وَيَسْقِينِي»

«Мен Роббим ҳузурда ухлайман, Роббим мени тўйдиради ва суғоради». □

УМАВИЙ ХАЛИФА УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ РОҲИМАҲУЛЛОҲНИНГ СИЙРАТИДАН НАМУНА

Бу сийрат Уммат даҳоларидан ва шарафли халифаларидан бирининг сийратидир. Уммат уламолари у киши ҳақида нима дейишган? Заҳабий айтади: «Халифа Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абу Ос ибн Умайя ибн Абду Шамс ибн Абду Маноф ибн Қусай ибн Килоб, Абу Ҳафз қураший Маданий Мисрий ҳақиқатда имом, ҳофизи Қуръон, аллома, мужтахид, зоҳид, обид, саййид, мўминлар амири ва рошид халифа бўлган эди». Буюк даҳолар сийрати китобидан.

Улуғ саҳоба Анас ибн Молик у киши ҳақида бундай дейди: «Росулulloҳнинг намози каби намоз ўқийдиган бу кишидан бошқа бирортасини кўрмадим».

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: Мен Умар ибн Абдулазиздан бошқа бирор тобеиннинг гапини ҳужжат сифатида қабул қилмайман. Умар ибн Абдулазиз амакиваччаси Сулаймон ибн Абдулмаликнинг васиятига кўра у кишидан кейин халифа бўлди. У Ҳусайн ибн Али Мисрда ўлдирилган йили, яъни ҳижратнинг олтмиш биринчи йилида туғилди ва бу ҳақда кўпчилик айтган. Лекин Муҳаммад ибн Саъд уни ҳижратнинг олтмиш учинчи йилида туғилганини айтган. Унинг онаси Лайло бинти Осим ибн Умар ибн Хаттобдир. Баъзи аҳли илмлар уни ушбу динни янгиловчиларидан деб ҳисоблашган. Абу Довуд ўзининг Сунанида Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لَهُدَى الْأُمَّةِ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةِ سَنَةٍ مِنْ يُجِدُّ لَهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ Таоло ҳар юз йил бошида бу Умматга динини янгилаб берадиган кишини юборади». Саховий бу ҳадисни Яхши мақсадлар китобида саҳиҳ деган.

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ айтади: «Ибн Жавзий ва бошқаларнинг айтишича, аҳли илмлардан бир жамоаси (шу жумладан Аҳмад ибн Ҳанбал) айтади: Умар ибн Абдулазиз биринчи ҳижрий асрнинг охирига гувоҳ бўлди ва иккинчи аср бошида Халифалик мансабига келди. У имомлик, бошқарув, ижтиҳод ва ҳақни ижро қилишга лойиқ киши эди. Унинг сийрати Умар ибн Хаттобнинг сийратига ўхшаш ва кўриниши ҳам унга ўхшаш эди». Бидоя ва Ниҳоя китобидан.

Зубайр ибн Бакор айтади: Атабий менга бундай деган эди: Умар ибн Абдулазиз ҳақида мен айтадиган биринчи нарса шуки, у илмга чанқоқ ва адабиётга қизиқиши баланд эди. Унинг отаси Мисрга волий бўлган пайтда у ёш йигит – кучлироқ эҳтимолга кўра – ҳали балоғатга етмаган бола эди. Шунинг учун отаси уни ўзи билан олиб кетишни хоҳлади. Шунда Умар ибн Абдулазиз: Эй отажон!

Менга ҳам, сизга ҳам фойдалироқ бошқа нарса йўқми? Мени Мадинага юбормайсизми, мен уларнинг фақиҳлари билан ўтириб, адабиётини ўрганайин деди. Шундай ҳам бўлди, у Мадинага бориб, Қурайшнинг қариялари билан гаплашди ва ёшлардан узоқроқ бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай машҳур бўлиб кетди. Унинг отаси вафот этгач, амакиси мўминлар амири Абдулмалик ибн Марвон ўз бағрига олиб, болаларига қўшиб қўйди. Амакиси уни аксар болаларидан афзал кўрди ва ўзининг қизи Фотимага уйлантириб қўйди. Шоир Фотима ҳақида шундай байт айтган эди:

Халифанинг қизи, бобоси ҳам Халифа

Халифаларнинг синглиси, эри ҳам Халифа

Бугунгача ундан бошқа ушбу сифатларга эга аёлни билмаймиз.

Ибн Ваҳб айтади: Менга Лайс Абу Назр Маданийдан ривоят қилиб бундай деган: Сулаймон ибн Ясорни Умар ибн Абдулазиз ҳузуридан чиқиб кетаётганда учратиб қолдим ва унга: Умарнинг ҳузуридан чиқиб кетяпсанми? – дедим. У эса: Ҳа, деди. Шунда мен унга таълим беряпсизларми? – деган эдим, у ҳа, деб жавоб берди. Шунда мен у сизлардан билимлироқдир дедим. Маймун ибн Меҳрон айтади: Уламолар Умар ибн Абдулазиз олдида ўқувчи бўлиб қолар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Касир айтади: «Умар ибн Абдулазиздан тавба қилишингиз биринчи қандай бошланган? деб сўрадим. У бундай жавоб қилди: Бир хизматкоримни урмоқчи бўлганимда, у – киёмат тонги отадиган кечани эсланг, деган пайтдан бошланди». Биринчи ишидаёқ унда тақво ва дин ҳақидаги тасаввур, зоҳидлик, мусаффолик ва поклик кўринди. Чунки у Халифалик ихтиёрида бўлган, тайёрланган учқур отларни минишни рад этди. Сўнг уларни сотиб, пулини байтулмолга қўшишга буюрди. У бузилган барча ҳуқуқларни қайта тиклади. Ҳатто қўлидаги узугининг қимматбаҳо тошини ҳам байтулмолга қайтарди ва Валид уни менга беришга ҳақли эмас эди деди. Умар ибн Абдулазиз кийим-кечак, озиқ-овқат ва мол-мулк борасидаги ҳузур-ҳаловатдан бош тортди. Ҳатто у ўзининг хотини Фотима бинт Абдулмаликдан завқланишни ҳам тўхтатган, ваҳоланки, бу аёлнинг жуда чиройли бўлгани ривоят қилинган. Аёлининг нарсалари ва мол-мулкани ҳам байтулмолга топширган. Халифа бўлгунга қадар унинг йиллик даромади 40000 динор эди. Халифа бўлгач, 400 диноргача озайтирди. Халифаликдаги ҳукмронлиги учун эса, бор-йўғи 300 дирҳам олди.

Умар ибн Абдулазиз халифа бўлишидан олдин ўта юмшоқ ва қимматбаҳо кўйлак олиб келишганда, агар дағал бўлмаса, қандай ҳам чиройли бўлар эди, деган эди. Халифа бўлгач, арзон ва дағал кўйлак киядиган бўлди ва ўта кир бўлмагунча ювмади ҳамда агар юмшоқ бўлмаганида қандай ҳам яхши бўларди дейдиган бўлди.

Унинг чироғи учта қамишдан иборат бўлиб, уларнинг учи лойдан эди. У Халифалик даврида на ўзи учун бино қурди ва на хизматкор ишлатди. У бундай деган эди: Мен дунёдан нимани тарк қилсам, Аллоҳ ундан яхшироғини беради. У оддий овқат тановул қилар ва ҳеч нарсадан шикоят қилмас ҳамда нафс-ҳавога эргашмас эди. Абу Сулаймон Дороний айтади: Умар ибн Абдулазиз Увайс Қорнийдан ҳам зоҳидроқ эди. Чунки Умар дунёнинг барчасига эга бўла туриб, унда зоҳидлик қилди. Увайс Умар эга бўлган нарсага эришганда нима бўлишини билмас эдик. Синалган киши синалмагандан яхшироқдир.

Одамлар унга байъат қилиб, Халифаликка ўтиргач, у ўзгарди ва ғамга чўкди. Хизматкори унга нега ғамгинсиз, ахир ҳозир бунинг ўрни эмас-ку деганида у: Ҳолингга вой бўлсин, нега ғамгин бўлмайин, ахир бу Умматнинг шарқию ғарбидаги ҳар бир киши мендан ўз ҳаққини адо этишимни талаб қилади. Бу ҳақда менга ёзганми, ёзмаганми ёки талаб қилганми, талаб қилмаганми фарқи йўқ. Сўнгра аёли Фотимага унга вақт ажрата олмаслиги ҳақида айтиб, хоҳласанг шу ерда қол, хоҳласанг уйингга кет деди. Шунда у йиғлади ва унга қўшилиб жориялари ҳам йиғлашди, ҳовлида қаттиқ йиғи овози эшитилди. Сўнгра ҳар қандай ҳолатда ҳам ўша ерда қолишни ихтиёр этди.

Умар Бану Умайядан бўлган бир тўп одамларнинг мол-мулкини олиб, байтулмолга қўшди ва уни адолатсизлик орқали топилган моллар деб атади. Одамлар Фотима бинти Марвонни ўртага қўйишди, лекин бу ишдан натижа чиқмади ва Умарни ҳақдан ҳеч нарса қайтара олмади. Сўнгра уларга: Аллоҳга қасамки, мени холи қўйинг, йўқса, Маккага бориб, бу ишни мендан кўра лойиқроқ одамга топшириб, ундан воз кечаман, деди.

Исмоил ибн Иёш Амр ибн Муҳожирдан ривоят қилишича, у киши айтади: Умар ибн Абдулазиз халифа бўлгач, одамларга чиқиб Аллоҳга ҳамд ва сано айтди. Сўнгра: Эй одамлар, Қуръондан кейин бошқа китоб нозил бўлмайди, Муҳаммад ﷺ дан кейин эса, пайғамбар бўлмайди. Мен қози эмасман, балки ижрочиман. Шунингдек, мен бидъатчи ҳам эмасман. Золим имомдан қочган киши золим бўлмайди. Огоҳ бўлингки, золим имом Аллоҳга осийлик қилаётган бўлади. Огоҳ бўлинг, Холиққа осийлик қилишда бандага итоат қилинмайди, деди. Яна бир ривоятда: Мен сизларнинг бирортангиздан яхшироқ эмасман. Лекин менинг ҳаммангиздан кўра юким кўп. Огоҳ бўлингки, Аллоҳга маъсият қилишда бандага итоат қилинмайди, етказдимми? – деган эди.

Умар ибн Абдулазиз халифалиги даврида қисқа муддат бўлишига қарамай, кўп ҳаракат қилди ва адолатсизликка чек қўйди. Ҳар бир ҳақдорга ҳаққини берди. Унинг жарчиси ҳар куни:

Қарздорлар борми? Уйланадиганлар борми? Мискинлар борми? Етимлар борми? – деб қичқирар эди. Умар бу каби муаммоларни барчасини ҳал қилди.

Унинг аёли Фотима айтади: Бир куни унинг олдига кирсам, у жойнамоз устида ўтириб, қўлини ёноғига қўйиб олган экан, кўз ёшлари эса икки ёноғига оқар эди. Мен сизга нима бўлди? – деб сўраган эдим, у киши: Ҳолингга вой бўлсин эй Фотима, мен ушбу Умматни бошқариш курсисига ўтирдим. Сўнгра қашшоқ ва очлар, қаровсиз беморлар, яланғочлар, кўнгли синган етимлар, ёлғиз тул аёллар, бечора мазлумлар, ғариблар, асирлар, кекса ёшдагилар, серфарзандлар, камбағаллар ва турли жойлардаги шу каби кишилар ҳақида фикр қилиб кўрсам, Роббим қиёмат кунида мендан улар ҳақида сўрашини ва улардан олдин Муҳаммад ﷺ менга душман бўлишини билдим. Сўнгра ҳужжат келтира олмай қолишдан кўрқиб йиғладим, деди.

Молик ибн Динор роҳимахуллоҳ айтади: «Улар: Моликни зоҳид – дейишади. Менда қандай зоҳидлик бўлсин. Зоҳид бу Умар ибн Абдулазиздир. Чунки унга дунё оғзини очиб келди, лекин у дунёнинг барчасидан бош тортди». Айтишларича, унинг ёлғиз кўйлаги бўлиб, ювса қуригунича уйида ўтирар эди. Бир куни роҳибнинг олдида тўхтаб, ҳолингга вой бўлсин, менга насиҳат қил деган эди, Роҳиб шоирнинг ушбу байтини маҳкам тут деди:

Дунёдан танҳо ўзинг чиқ, чунки унга танҳо келгансан.

Айтишларича, Умар шу байтдан ажабланиб, уни доим такрорлар ва унга ҳақиқатда амал қилар эди.

Яна айтишларича: Бир куни Умар аёли олдига кириб, ўзига узум сотиб олиш учун бир дирҳам ёки чақа сўради, лекин у ерда ҳеч нарса топмади. Аёли: Сиз мўминлар амири бўлсангиз, наҳот хазинангизда узум сотиб олиш учун ҳеч нарса бўлмаса деди. Шунда у: Эртага жаҳаннам ўтида кишан ва занжирлардан қутилишдан кўра шу осонроқдир деди. Унинг иккита чироғи бўлиб, биринчисидан ўз эҳтиёжларида фойдаланса, иккинчиси байтулмол ҳисобидан бўлиб, уни мусулмонлар манфаати йўлида ишлатар ва ундан ўз манфаати йўлида фойдаланмас эди.

Муқотил ибн Ҳайён айтади: Умар ибн Абдулазиз ортида намоз ўқиган эдим, у Соффат сурасидаги:

﴿وَقَفُّوهُمْ إِنَّهُمْ مَسْئُولُونَ﴾

«(Аммо то Менинг фармоним бўлмагунча) **уларни тўхтатиб** (дўзахга ташламай) **туринглар! Чунки улар** (аввал ҳаёти дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари тўғрисида) **сўралгувчидирлар»**

[Соффат 24]

оятини ўқиди ва уни бир неча марта такрорлаб, ундан ўтолмай туриб қолди. Унинг аёли Фотима айтади: Мен ундан кўра кўпроқ намоз ўқийдиган, рўза тутадиган ва Роббисидан кўрқадиган кишини кўрмаганман. Хуфтон намозини ўқигач, ўтириб уйқуси келгунича йиғлар эди. Сўнг яна сергак тортиб, уйқуси келгунича йиғлар эди. Мен билан бирга қолганда, охират ишидан бирор нарсани эсласа, қуш сувдан кўтарилгандек туриб кетар ва йиғлар эди. Шунда мен раҳм қилиб, унинг устига кўрпани ташлаб қўяр эдим. Мен айтар эдим: гўёки биз билан Халифалик ўртасида мағрибдан машриққача масофа бор эди. Чунки – Аллоҳга қасамки – уни қабул қилиб олганимиздан бошлаб хурсандчилик кўрмаганмиз.

Унинг энг юксак гапларидан бири шу бўлган эди: Аллоҳим ислоҳ бўлиши билан Муҳаммад ﷺ Уммати ислоҳ бўладиган кишини ислоҳ қил. Ҳалок бўлиши билан Муҳаммад ﷺ Уммати ислоҳ бўладиган кишини эса ҳалок қил. Умар ибн Абдулазиз айтади: Энг афзал ибодат фарзларни адо этиш ва ҳаромдан сақланишдир. Агар киши ўлгунича маъруфга буюриб, мункардан қайтармаса, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш иши бекор кетади ҳамда воиз ва насиҳат қилувчилар камаяди. У яна айтар эди: Ким кўп дуо қилса, уни муҳтожлик тутадими ёки йўқми бундан қатъий назар, унга Аллоҳ баракот ато этади. (Бидоя ва Ниҳоя) китобидан.

Имом Заҳабий айтади: Бу киши хулқи ва кўриниши чиройли, ақли баркамол, тўғри ниятли, сиёсатда моҳир, адолатга ҳарис, етук илмли, фақиҳун нафс (шаръий аҳкомларни тушуниш ва билиш табиатига айланган киши), очиқ заковатли, оҳ-воҳ тортиб тавба қилгувчи, Аллоҳга қайтгувчи, Халифаликда зоҳид инсон эди. У шунингдек, қўллаб-қувватловчилари оз бўлса-да ҳамда унинг ҳақиқат учун курашини ва совғаларни кам беришини, ноҳақ олинган нарсалардан кўпини тортиб олишини ва бошқа сифатларини ёмон кўрадиган золим амирлар кўп бўлишига қарамай, ҳақиқатни очиқ айтгувчи зот эди. Ҳатто улар Умарни заҳарлашди, натижада у шаҳидлик ва саодатга эришди. Илм аҳли уни рошид халифалар ҳамда илмига амал қилувчи уламолар сафига қўшди». «Сияру Аълумун Нубувва» китобидан.

Ибн Касир айтади: «Унинг вафоти ҳақида турли гаплар мавжуд, айримлар сил касалидан вафот этган деса, айримлар унинг қули минг динор эвазига овқатига заҳар қўшганини айтади. Натижада касал бўлиб қолган ва заҳарланган деган хабар тарқалган. У ўзи бундай деган эди: Заҳарланган куним, ўша заҳар солган қулни чақирдим ва унга ҳолингга вой бўлсин, бу ишга сени нима мажбурлади? – дедим. У айтди: Менга берилган минг динор мажбурлади. Шунда Умар уни олиб кел деди ва у олиб келган эди,

уни байтулмолга қўшиб қўйди. Сўнгра Умар қулга: Бор кет, сени ҳеч ким кўрмасин. Агар бирортаси кўрса ҳалок бўласан, деди».

Сўнгра Умарга: Шифо изламайсизми дейишган эди, у: Агар мен қулоғимнинг юмшоғини силаш билан шифо топсам ёки шу орқали бир роҳатга эришсам ҳам буни қилмайман, деди. Шунда улар: Болаларингизга (улар ўн иккита эди) бирор нарса васият қиласизми, улар барчаси қашшоқ дейишган эди, у Аллоҳнинг ушбу

﴿إِنَّ وَلِيَّيَ اللَّهِ الَّذِينَ نَزَّلَ الْكِتَابَ وَهُوَ يَتَوَلَّى الصَّالِحِينَ﴾

«Зотан, менинг эгам шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур» [Аъроф 196]

оятини ўқиди. Сўнг айтди: Мен уларга бировларнинг ҳаққини бермайман, улар икки хил кишидан биридир. Ё солиҳ бўлиб, Аллоҳ уларга ёр бўлади ёки ғайрисолиҳ бўлади, ундай бўлса, мен уларга фиқҳу фужур қилишларига ёрдам бермайман. Бошқа бир ривоятда: Қайси жойда ҳалок бўлиши мен учун қизиқ эмас. Яна бир ривоятда: Мен унга Аллоҳга маъсият қилишига кўмак берадиган нарсани қолдираманми? Ахир унда ўлганимдан кейин ҳам уни қилган ишига шерик бўлиб қоламанку. Мен асло бундай қилмайман. Сўнг болаларини чақириб, улар билан видолашди ва уларни ушбу гап билан юпатди. Сўнгра айтди: Энди жўнанглар, Аллоҳ сизларни гуноҳдан сақласин ва Халифаликни сизларга чиройли қилсин. Айтиладики, Умар ибн Абдулазизнинг айрим ўғиллари Аллоҳ йўлида саксонта отда юк олиб келди. Сулаймон ибн Абдулмаликнинг айрим ўғиллари (отаси кўп мол давлат ташлаб кетганига қарамай) Умар ибн Абдулазизнинг болаларидан сўрар эди. Чунки Умар болаларини Аллоҳга қолдирган бўлса, Сулаймон ва бошқалар ўзлари қолдирган арзимас бойликка топширишди. Натижада молни зое кетказишди ва бойлик болаларининг шахвати йўлида кетди.

Вафоти яқинлашгач, мени ўтқазиб қўйинглар деди, уни ўтқазигач: Эй Аллоҳим менга буюрганларингни барчасини қила олмадим ва қайтарган ишларингда сенга исён қилдим деб уч марта айтди. Сўнг Ла илаҳа иллаллоҳ дея бошини кўтариб қаттиқ назар солди. Шунда унга: Эй мўминлар амири қаттиқ назар билан қараяпсиз дейишган эди, у: Мен на инсон ва на жин бўлганлар орасида турибман деди ва шундай ҳолатда вафот этди. Бошқа бир ривоятда у ўз аҳлига: Бу ердан чиқиб кетинг деган эди чиқиб кетишди. Эшик олдида эса, Муслима ибн Абдулмалик ва унинг синглиси Фотима қолди. Улар Умарнинг: На инсон ва на жин бўлмаган кишиларга марҳабо, деб айтганини эшитишди ва ушбуни тиловат қилди:

﴿تِلْكَ الدَّارُ الْآخِرَةُ نَجْعَلُهَا لِلَّذِينَ لَا يُرِيدُونَ عُلُوًّا فِي الْأَرْضِ وَلَا فَسَادًا وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ﴾

«Биз ушбу охират диёрини ер юзида зулму зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Охират тақво қилгувчи кишиларникидир» [Қасос 83]

Сўнг овози тинчиб қолди, унинг олдига киришганида кўзи юмилган ҳолда топишди ва қиблага қаратиб қўйишгач, вафот этди.

У ҳижратнинг 101 йили, Шомнинг Химс шаҳри яқинидаги Дер Самъон қишлоғида вафот этди. У йигирма кун касал бўлиб ётди. Унинг Халифалик муддати эса икки йил, беш ой, тўрт кун давом этди. Унинг ёши ўшанда 39 яримда эди. Аллоҳ Умар ибн Абдулазизни ўз раҳматига олсин ва яхши мукофотлар берсин. Аллоҳ бизни Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилсин. Улар қандай ҳам чиройли дўстдирлар. □

ТАМИМ ДОРИЙ

У Тамим ибн Авс ибн Хорижа бўлиб, келиб чиқиши Лаҳм қабиласидан бўлган Дор уруғига тақалади. Унинг куняси Абу Руқия бўлиб, ёлғиз қизи Руқияга нисбатан айтилади. Тамим رضي الله عنه Фаластинда туғилиб, ўша ернинг роҳиб ва обидларидан бўлиб улғайди. Сўнг Исломни қабул қилиш учун Мадинага Росулulloх ﷺнинг олдиларига келди. У насроний динида бўлиб, ҳижратнинг тўққизинчи йилида Исломни қабул қилди. Тамим Росулulloх ﷺ билан кўп вақт бирга бўлиб, ғазотга бирга чиқди ва у кишидан ривоят қилди. У аввалига Мадинада яшаб, Усмон رضي الله عنه ўлдирилганидан кейин Шомга кўчиб кетди.

Тамим Дорий шахсиятидаги энг кўзга кўринган жиҳат, у ибодатни кўп қилар эди. Зеро, у кўп ибодат қилиш, қиёмуллайлда кўп туриш ва кўп Қуръон ўқиш билан машҳур бўлган эди. Масруқдан ривоят қилинишича, маккалик бир киши: Тамим Дорий ҳаётидан бир мисол: У Аллоҳнинг китобидаги

﴿أَمْ حَسِبَ الَّذِينَ اجْتَرَحُوا السَّيِّئَاتِ أَنْ نَجْعَلَهُمْ كَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ سَوَاءً مَحْيَاهُمْ وَمَمَاتُهُمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ﴾

«Балки ёмонлик-гуноҳлар касб этган кимсалар Биз уларни ҳам имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар каби қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам (яъни дунёлари ҳам, охиратлари ҳам мўминлар билан) баробар бўлишини ўйлагандирлар?! Нақадар ёмон (нотўғри) ҳукм қилурлар-а?!» [Жосия 21]

оятларни ўқиган ҳолда, руку ва сажда қилиб эрталабгача йиғлаган эди. Тамим Дорий имон бобида ҳар ҳафта Қуръонни хатм қилар эди. Сафвон ибн Салим айтади: Тамим Дорий бир куни масжидда хуфтон намозидан кейин қиёмуллайлда қолиб намоз ўқиётган эди. Мўминун сурасининг

﴿تَلْفَحُ وُجُوهُهُمُ النَّارَ وَهُمْ فِيهَا كَالِحُونَ﴾

«Уларнинг юзларини ўт куйдириб, бадбашара бўлиб қолгувчидирлар» [Мўминун 104]

оятига келгач, тўхтаб қолди ва бомдод намозига азон айтилгунича намоздан чиқа олмади.

Унинг тақвоси ҳақида айтадиган бўлсак, у Моида сурасининг

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا شَهْدَةٌ بَيْنَكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ﴾

«Эй мўминлар бировингизга ўлим келганда ўрталарингизда гувоҳ бўлсин» [Моида 106]

оятни ҳақида бундан мен ва Удай ибн Бадодан бошқалар покдирлар, деган эди. Бу шундай содир бўлган эди; Тамим Дорий ва Удай ибн

Бадо Исломга киришидан олдин Маккага бориб келиб юришар эди. Бир куни уларга Бану Ҳошимлик Бадил ибн Абу Марям номли йигит келиб қўшилди. Унда кумушдан ясалган кўза бор бўлиб, кўзани подшоҳга олиб кетаётганди, чунки у тижоратининг энг яхши моли эди. Йигит йўлда касал бўлиб, уларга агар ўлиб қолсам, бу нарсаларни аҳлига олиб бориб беришларига васият қилди. Тамим айтади: Йигит ўлгач, жомни минг дирҳамга сотиб, пулини Удай ибн Бадо иккаламиз бўлишиб олдик. Қабиласига келиб, нарсаларни бергач, улар жом ҳақида сўрашди. Биз эса, бундан бошқа нарса қолдирмади дедик. Тамим айтади: Исломни қабул қилгач, қилган ишимдан афсусланиб, унинг аҳлига тўғриси айтдим ва уларга беш юз дирҳам бердим. Сўнг шеригимда пулнинг ярми борлигини айтдим. Шунда улар Удайни Росулulloҳ ﷺнинг олдиларига олиб келишди. Росулulloҳ улардан ҳужжат сўраган эдилар, улар ҳужжат келтириша олмади. Шунда Росулulloҳ ﷺ уларни қарзни сўраётганларга қарши Удайдан қасам талаб қилишга буюрди ва Удай қасам ичди. Шунда Аллоҳ Таоло моида сурасидан

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا شَهْدَةً بَيْنِكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ﴾

(Эй мўминлар бировингизга ўлим келганда ўрталарингизда гувоҳ бўлсин), деган каломини то

﴿أَوْ يَخَافُونَ أَنْ تُرَدَّ أَيْمَانٌ بَعْدَ أَيْمَانِهِمْ﴾

«Ёки қасамларидан кейин яна қайта қасам ичилишидан (яъни шарманда бўлишларидан) қўрқишларига яқинроқ ҳукмдир» [Моида 108]

деган жойигача нозил қилганда Амр ибн Ос ва яна бир киши ўринларидан туриб Удайга қарши қасам ичишди ва мен Удай ибн Бадодан беш юз дирҳам олиб бердим.

Тамим Дорий Пайғамбаримиз ﷺга кўп таклифлар киритиши билан машҳур бўлган. Ибн Умар айтади: Пайғамбаримиз ﷺда кексалик сезилгач, Тамим: Эй Аллоҳнинг Росули жисмингизни маҳкам тутиб турадиган минбар ясаб берайми деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ «Ҳа» деган эдилар минбар ясаб берди. Тамим яна масжидни қандил ва мой билан ёритиш таклифини киритган эди. Чунки аввалда мусулмонлар ёритиш учун фақат хурмонинг узун баргларидан фойдаланишар эди. Абу Ҳурайра айтади: Тамим биринчилардан бўлиб масжидни ёритган киши эди. Тамим ўзининг қулини бешта бола билан чироққа юборди ва Пайғамбаримиз ﷺ масжидини қандил ва мой билан ёритди. Чунки улар олдин фақат хурмонинг узун барглари билан ёритишар эди. Шунда Росулulloҳ ﷺ масжидимизни ким ёритди деганида Тамим менга қарашли бир бола деб жавоб берди. Росулulloҳ ﷺ: Унинг исми нима деб

сўраган эди, Фатҳ деб жавоб берди. Шунда Росулulloҳ : «Йўқ, балки унинг исми Сирож (яъни чирок)» дедилар. У эса Росулulloҳ  мени Сирож деб атади деб хурсанд бўлди.

Росулulloҳ  билан бўлган муносабатига келсак, Икрима айтади: Тамим Исломга киргач айтди: Эй Аллоҳнинг Росули Албатта Аллоҳ сизни бутун ер юзи устидан ғолиб қилади. Шундай экан, Байтуллаҳдаги қишлоғимни менга совға қилинг деди. Шунда Росулulloҳ : У ер сенга деб, унга хатлатиб бердилар. Тамим кейинроқ хатни олиб Умарга борган эди. Умар: Мен бундан хабарим бор дея ерни унга берди. Зайд ибн Омир айтади: Мен Росулulloҳ  олдиларига бориб, Исломни қабул қилдим. Шунда Росулulloҳ  Тамим Дорийга хоҳлаганингни сўра деган эди, у Байти Айнун ва масжиди Иброҳимни сўради, шунда Росулulloҳ  Тамимга уларни бердилар. Росулulloҳ : Эй Зайд сўра деган эдилар, мен: Ўзим ва болаларимга имон ва тинчлик сўрайман дедим. Шунда Росулulloҳ  уларни менга бердилар.

Тамим Дорий Пайғамбар дан ривоят қилган ҳадисга келсак, Фотима бинти Қайс айтади: Бир куни Росулulloҳ  шошилиб келиб, минбарга чиқдилар ва жамоат намозига азон айтилди. Шунда Росулulloҳ :

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي لَمْ أَدْعُكُمْ لِرِعْبَةٍ وَلَا لِرَهْبَةٍ؛ وَلَكِنْ تَمِيمَ الدَّارِيِّ أَحْبَبْتَنِي أَنْ نَفَرًا مِنْ أَهْلِ
فِلَسْطِينَ رَكَبُوا الْبَحْرَ فَقَذَفَ بِهِمُ الرِّيحُ إِلَى جَزِيرَةٍ مِنْ جَزَائِرِ الْبَحْرِ، فَإِذَا هُمْ بِدَايَةِ أَشْعَرَ لَا
يَدْرِي دَكْرٌ هُوَ أَوْ أَنْثَى لِكَثْرَةِ شَعْرِهِ، فَقَالُوا: مَنْ أَنْتَ. فَقَالَتْ: أَنَا الْجَسَّاسَةُ. فَقَالُوا: فَأَخْبِرِينَا.
فَقَالَتْ: مَا أَنَا بِمُخْبِرَتِكُمْ وَلَا مُسْتَحْبِرَتِكُمْ؛ وَلَكِنْ فِي هَذَا الدَّيْرِ رَجُلٌ فَقِيرٌ إِلَى أَنْ يُخْبِرَكُمْ وَإِلَى أَنْ
يَسْتَحْبِرَكُمْ. فَدَخَلُوا الدَّيْرَ، فَإِذَا هُوَ رَجُلٌ أَعْوَرٌ مُصَفَّدٌ فِي الْحَدِيدِ، فَقَالَ: مَنْ أَنْتُمْ؟ قَالُوا: نَحْنُ
الْعَرَبُ. فَقَالَ: هَلْ بُعِثَ فِيكُمْ النَّبِيُّ؟ قَالُوا: نَعَمْ. قَالَ: فَهَلِ اتَّبَعَهُ الْعَرَبُ؟ قَالُوا: نَعَمْ. قَالَ
ذَلِكَ خَيْرٌ لَكُمْ. قَالَ: فَمَا فَعَلْتَ فَارِسُ هَلْ ظَهَرَ عَلَيْهَا؟ قَالُوا: لَا. قَالَ: أَمَا أَنَّهُ سَيَظْهَرُ عَلَيْهَا.
ثُمَّ قَالَ: مَا فَعَلْتَ عَيْنُ زَعْرٍ؟ قَالُوا: هِيَ تَدْفِقُ مَلَأَى. قَالَ: فَمَا فَعَلَ نَحْلٌ بَيْسَانَ هَلْ أَطْعَمَ؟
قَالُوا: نَعَمْ أَوْأَنَّهُ. قَالَ: فَوَتَّبَ وَثْبَةً حَتَّى طَنَّنَا أَنَّهُ سَيَفْلُتُ، فَقُلْنَا: مَنْ أَنْتَ؟ فَقَالَ: أَنَا الدَّجَالُ،
أَمَا أَنِّي سَاطَأُ الْأَرْضَ كُلَّهَا غَيْرَ مَكَّةَ وَطَيْبَةَ. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أُنَبِّشُوا مَعَاشِرَ الْمُسْلِمِينَ هَذِهِ
طَيْبَةُ لَا يَدْخُلُهَا»

«Эй инсонлар мен сизларни тарғиб қилиш ёки қўрқитиш учун чақирмадим. Сизларни чақиритишдан мақсадим, Тамим Дорийнинг келтирган хабаридир. Унга кўра, бир гуруҳ

фаластинликлар денгизда йўлга чиқишган экан, шамол уларни денгиздаги қандайдир бир оролга олиб борибди. Шунда уларнинг олдига қалин ва пахмоқ юнгли бир жонзот яқинлашибди. Юнгининг кўплигидан эркак ёки урғочилигини ажратиб бўлмас экан. Улар сен кимсан, деб сўрашибди. У: мен жассосаман, дебди. (Жосус маъносида, Дажжолга хабарлар келтириб тургани учун шундай номланган). Улар: бизга ўзинг ҳақингда хабар бер дейишган экан, у: Мен на хабар бергувчи ва на хабар сўрагувчиман. Лекин мана бу ибодатхонада сизларга хабар берадиган ва хабар сўрайдиган бир фақир одам бор, дебди. Шунда улар ибодатхонага киришса, темирга кишанланган бир ғилай киши турган эмиш. Шунда у: сизлар кимсизлар, деб сўрабди. Улар биз араблармиз, дейишибди. У эса: сизларнинг ичингиздан Пайғамбар чиқдими, деб сўраса, улар ҳа, дейишибди. Шунда у араблар унга эргашишдими деса, улар ҳа, деб жавоб беришибди. У эса, бу улар учун яхши, Форслар нима бўлди, ўша пайғамбар улар устидан ғолиб бўлдими деб сўраса, улар йўқ, дейишибди. У эса, ўша Пайғамбар яқинда улар устидан ғолиб бўлади, дебди. Сўнг Зафар булоғи (Шомнинг Фарб томонида жойлашган шаҳар) ҳақида хабар беринглар, унга нима бўлди (яъни суви серобми) деб сўрабди. Улар: Ҳа унинг сувлари сероб, деб жавоб беришибди. Шунда у: Бийсон (Иордания дарёси ёнидаги қишлоқ)нинг хурмоларига нима бўлди (яъни улар мева беряптими), деб сўрабди. Улар эса, ҳа, деб жавоб беришибди. Ўша ерда бўлган ровий айтади: Кейин бир сакраган эди, биз уни бўшалиб кетади, деб ўйладик. Биз ундан кимсан, деб сўрадик. У: Мен Дажжолман, яқинда Макка ва Тоййбадан (Мадинадан) ташқари барча жойларни босиб оламан, деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар: муслмонларга хушxabар беринглар, бу Тоййбага дажжол кирмайди».

Тамим Дорийнинг саҳобалар билан бўлган муносабатларидан бирига, яъни Умар билан бўлган муносабатига келсак, бу ҳақда Ҳамид ибн Абдурраҳмон ривоят қилади: Тамим Умардан одамларга гапиришимга рухсат беринг, деб йиллаб сўради, лекин Умар рухсат бермади. Тамим кўп сўрайвергач, Умар – уларга нимани гапирмоқчисан, деб сўради. Тамим уларга Қуръондан ўқийман, уларни маъруфга буюриб, мункардан қайтараман, деди. Шунда Умар бу ютуқдир, деди. Кейин – мен жумага чиққунимга қадар сен одамларга мавъиза қилиб турасан, деди. Тамим Дорий шундай қиладиган бўлди. Усмон халифа бўлгач, ундан ўзининг мавъиза

қилиш кунини кўпайтиришини сўраган эди, Усмон яна бир кун кўшиб берди.

Тобеинлар билан бўлган муносабати ҳақида айтадиган бўлсак, Муҳаммад ибн Уқба Қозий ўзининг отасидан, у эса бобосидан ривоят қилиб бундай дейди: Тамимнинг олдига борган эдик, у отининг емини бераётган экан. Биз унга эй Абу Руқия бу ишга сиздан бошқаси йўқми, деб сўрадик. У: бор лекин Росулulloҳ нинг бундай деб айтаётганларини эшитганман:

«مَنْ ارْتَبَطَ فَرَسًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ يُعَالِجُ عَلَيْهِ بِدِهِ كَانَ لَهُ بِكُلِّ حَبَّةٍ حَسَنَةً»

«Ким отини Аллоҳ йўлида ўз қўли билан емини берган ҳолда ғазотга тайёрласа, ўша емининг ҳар бир дониغا битта савоб беради».

Тамим Дорийнинг Пайғамбармиз дан ҳадис ривоят қилганига келсак, Имом Муслим Тамим Дорийдан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ :

«الَّذِينَ النَّصِيحَةُ قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأَنَّمَةِ الْمُسْلِمِينَ»

«Дин насиҳатдир, деган эдилар, биз Эй Аллоҳнинг Росули ким учун деб сўрадик. Шунда у киши: Аллоҳга, китобига, Росулига ва мусулмонларнинг имомларига», дедилар.

Тамим Дорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз  айтадилар:

«أَوَّلُ مَا يُجَاسَبُ بِهِ الْعَبْدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ صَلَاتُهُ فَإِنْ أَكْمَلَهَا كُتِبَتْ لَهُ نَافِلَةٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ أَكْمَلَهَا قَالَ اللَّهُ سُبْحَانَهُ لِمَلَأْتَكْتِهَ أَنْظَرُوا هَلْ تَجِدُونَ لِعَبْدِي مِنْ تَطَوُّعٍ فَأَكْمَلُوا بِهَا مَا ضَيَّعَ مِنْ فَرِيضَتِهِ ثُمَّ تُوُخِدُ الْأَعْمَالُ عَلَى حَسَبِ ذَلِكَ»

«Қиёмат куни банда энг биринчи намозидан сўралади. Агар тўла-тўқис адо қилган бўлса, унга тўлиқ ёзилади. Агар тўла-тўқис адо қилмаган бўлса, Аллоҳ Таоло фаришталарга: қарангларчи, бандамнинг нафл намозлари бормикан, (агар унинг нафл намозлари бўлса), бандамнинг зое кетказган фарз намозларини нафл намозлари билан тўлдиришлар, дейди. Сўнг қолган амаллар ҳам шу йўсинда ҳисоб-китоб қилинади».

Тамим Дорий айтади: Росулulloҳ ни бундай деганларини эшитганман:

«لَيْسَلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَتْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرٍ وَلَا وَبَرٍ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ بَعْرَ عَزِيْزٍ أَوْ بِذَلِّ ذَلِيْلٍ، عَزًّا يُعْرُ اللَّهُ دِينَ الْإِسْلَامِ، وَذُلًّا يُدْخَلُ بِهِ الْكُفْرَ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қилади. Хорликки, у билан Аллоҳ кўфрни хор қилади». Тамим Дорий айтади: Мен бунга ўз қариндошларимда кўрганман. Чунки улардан ким Исломга кирса, яхшилик ва шарафга эришди. Ким кофир ҳолда қолган бўлса, хорлик ва хўрлик кўрди ва жиза бериб яшади.

Ундан ўн тўрт саҳоба ва тобеинлар ривоят қилишди, Абдуллоҳ ибн Аббос, Қабиса ибн Зувайб, Ато ибн Язидлар шулар жумласидандир. Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можжа ва Имом Аҳмадлар ундан ривоят қилишган.

Тамим Дорийнинг вафоти: Тамим Дорий ҳижратнинг қирқинчи йилида вафот этди. □

АҚШ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК АГЕНТЛИГИ ЕВРОПА ЕТАКЧИЛАРИ ОРТИДАН ЖОСУСЛИК ҚИЛИШДА ДАНИЯДАН ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНГАН?

Маълум бўлишича, Дания разведкаси Европа етакчиларини кузатиш ва улар ортидан жосуслик қилишда АҚШ Миллий хавфсизлик хизмати агентлигига ёрдам кўрсатган. Дания 2012 ва 2014 йиллар оралиғида Германия канцлери Ангеле Меркел ва бошқа немис сиёсатчилари, шунингдек, француз, норвег ва швед арбоблари ортидан жосуслик қилишда яширин база вазифасини ўтаган. Бу ҳолат Дания жамоат телевидениесининг бир қатор Европа оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Франциянинг «Le Monde» газетаси билан ҳамкорликда олиб борган суриштирувлари натижасида аниқланган. Сноуден можаросидан кейин Америка разведкасининг мамлакатда қанчалик фаоллигини билишга қаратилган бу суриштирув Дания разведкасининг ички ҳисоботига ҳам таянган. Дания халқаро муносабатлар институтининг халқаро хавфсизлик бўйича мутахассиси Флеминг Спледспол Хансен бундай дейди: «Дания разведкаси АҚШ Миллий хавфсизлик агентлигига Даниянинг йирик саноат гуруҳларига мансуб фигураларнинг телефонларини тинглашга рухсат берганидан кейин, 2020 йил баҳоридан бошлаб муаммога дуч кела бошлади». Дания «беш кўз» клубининг норасмий аъзосига айланди», дея таъкидлайди ҳафталик «Weekendavis» газетаси. Юқорида айтиб ўтилган жосуслик фаолиятлари бошқа мамлакатларнинг Дания ҳудудий сувларидан ўтган сув ости кабелларига қузатув мосламаларини жойлаштириш орқали амалга оширилган.

Дания Вашингтонни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб бормоқда. Флеминг Спледспул Хансинг бундан қуйидагича тушунтиради: «Биз Ливия, Сурия ва ҳатто Афғонистонда америкаликлар томонида туриб жанг қилдик. Айтиш мумкинки, биз деярли 30 йил давомида ҳарбий ҳолатдаги мамлакат бўлиб келдик ва шундай давом этяпмиз. Бу шунингдек, Копенгаген учун Вашингтонда сиёсий обрў-эътиборга сазовор бўлиш усулидир. Чунки Копенгаген бусиз бундай обрў-эътиборга эга бўла олмас эди. Бироқ бу мамлакатнинг дунё олдидаги имижига салбий таъсир кўрсатади. Бу шубҳасиз, Дания билан Европа иттифоқидаги бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилади. Етакчиларни ташвишга солган нарса шуки, агар яна янги маълумотларнинг фoш бўлиши давом этадиган бўлса, бу масала жамоатчилик фикрига таъсир қилади».

Ал-Ваъй: Мана, «маданиятли» Даниянинг аҳволи. Унинг Америка разведкаси фойдасига жирканч жосуслик ролини бажаргани ҳатто Европа иттифоқидаги ҳамкорларига ҳам очилиб қолди. Даниянинг мусулмонларга душманлиги ва уларга қарши Америка ёнида туриб уруш олиб бораётгани ўз-ўзидан маълум. □

САУДИЯ НАМОЗ ВАҚТЛАРИДА САВДО ДЎКОНЛАРИНИ ОЧИШГА РУХСАТ БЕРМОҚДА

Мўътадиллик ва қиролликни замонавийлаштириш доирасида сиёсат олиб бораётган мамлакатнинг амалдаги ҳоқими, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад ибн Салмон яқинда «намоз вақтларида ишни тўхтатишга мажбур қилаётган қаттиқ қоидаларни юмшатиш мақсадида, беш вақт намоз вақтларида савдо дўконларини ёпмаслик» тўғрисида фармон чиқарди. «Уккоз» газетасининг Саудия палаталар федерацияси чиқарган баёнотга таяниб берган хабарида «одамларни бир жойда тўпланишларини, тиқилинч бўлиб, узоқ кутишларини олдини олиш, коронавирусдан сақланиш чораларини кўриш ҳамда харидорлар соғлиғини сақлаш учун савдо дўконлари эгаларини дўконларини намоз вақтларида ёпмасликка чақирамиз», дейилган. Валиаҳд шаҳзода «Амри маъруф ва наҳий мункар» ҳайъатининг ролини қисқартирди, аммо концерт тадбирларига ва аёлларнинг машина ҳайдашига рухсат берди, кинофильмларга қўйилган тақиқни олиб ташлади. Бир неча кун олдин масжидлар қўшниларидан ва ота-оналардан азон овози баландлиги тўғрисида шикоят тушганлигини даъво қилиб, масжидлардаги овоз кучайтиргичларни учдан бирга пасайтириш тўғрисида буйруқ берган эди. У ички ишлар вазирлиги чиқарган баённомада ҳам намоз ва хутбаларни овоз кучайтиргич орқали эшиттирилишини тақиқлади. Таймс газетасига кўра, буйруқ чиқиши биланоқ диний муассаса янги кўз-қарашни тарғиб қилишга ҳамда уни фикҳий ва шаръий жиҳатдан изоҳлашга киришди. Исломий ишлар вазири Абдуллатиф Шайх расмий телевидениега берган интервьюсида шундай деди: «Намоз ўқишни истаганлар имомнинг овозини кутмасликлари ва улар олдиндан масжидда бўлишлари керак». «Бу ерда овоз кучайтиргичнинг баланд овози болаларини уйғотиб юбораётганидан шикоят қилган оилалар бор», деди ва «намозларни эфирга узатаётган бир нечта каналлар бор», деб қўшимча қилди. Бундай қарорлардан норози бўлган аҳолининг айрим консерватив қатлами овоз баландлиги чекловларига раддия бериб, ресторан ва ошхоналардаги шовқинли мусиқаларга ҳам тақиқ қўйилишини талаб қилдилар. Бошқалар эса, намоз овози туфайли келадиغان хотиржамликни соғинганларини айтдилар. Таймс газетаси бунга изоҳ бериб: «Бу валиаҳд шаҳзода Муҳаммад ибн Салмон даврида диний муассаса ўз ҳукмронлигини йўқотганлиги, шунингдек, замон ўзгарганлигининг навбатдаги белгисидир», деб билдирди.

Ал-Ваъй: Бунга ўхшаган хабарлардан аниқ кўриниб турибдики, Муҳаммад ибн Салмон Ғарбнинг бузғунчи тушунчаларига кучоқ очиши билан уни рози қилишга ҳаракат қилмоқда. Ғарб уни кузатиб, унга мақтов ёғдириш орқали рағбатлантирмоқда... Биз айтамызки, бу Саудия режими қулашининг навбатдаги белгисидир. Бу мусулмонлар учун ёмонлик, деб ҳисобланмаслиги керак, аксинча, у улар учун яхшилиқдир. Биз уларнинг қулашини кўрганимиздек, улар билан биргаликда Сауд оиласи ботилини безаб кўрсатаётган уламолар қатламининг қулаб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, бундай уламолар – гўёки Сауд оиласини Аллоҳ маъсум қилиб қўйгандек – иш эгаларига мутлақ итоат этиш вожиб, деган асосиз ҳужжат остида уларнинг ботил ишларини ҳам безаб кўрсатишмоқда. □